Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O'zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA info@adolatgzt.uz ● www.adolatgzt.uz ● www.adolat.uz ● № 2 (1066) ● 2016-yil, 8-yanvar, juma

## Тинч ва фаровон юртда яшаш — *олий бахт*

**Муносабат**

**Юртбошимизнинг Ўзбекистон халқига Янги йил табригини эшитиб, қалбларимиз чексиз қувонч ва миннатдорлик ҳислари билан лиммо-лим тўлди. Зеро, унда халқимиз юрагининг туб-тубидаги эзгу ниятлари ва орзу-умидлари мужассамдир. Табрик сўзида биз кўзлаган буюк мақсад — дунёдаги тараққий топган демократик давлатлар қаторига кириш, бунинг учун олиб бораётган демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш мақсадида амалга ошираётган улкан ишларимиз сарҳисоб қилинди ва бу борада олдимизда турган долзарб вазифалар бирма-бир ифодалаб берилди.**

Айниқса, юртимизда рўй бераётган оламшумул ўзгариш ва янгиланишлар, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси янада чирой очаётгани, қад ростлаётган, энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхоналар, деҳқон ва фермерларимизнинг мардона меҳнати эвазига далаларимизнинг унумдорлиги ва ҳосилдорлиги йилдан-йилга ошиб, халқимизнинг ҳаёт даражаси юксалиб бораётгани, Ўзбекистонимизнинг дунёдаги обрў-эътибори тобора ортиб, унинг халқаро майдонда муносиб ўрин олаётганини кўриб кўнглимиз тоғдек кўтарилади.

Албатта, мамлакатимиз барқарор суръатлар билан юксак тараққиёт сари қадам қўяётган экан, бунда ушбу саховатли заминда яшаётган ҳар қайси инсоннинг, унинг миллати, дини, эътиқодидан қатъи назар, муносиб ҳиссаси бор. Бугун халқимизнинг машаққатли меҳнати, мардлиги ва матонати, бағрикенглиги, бир оила бўлиб яшаётгани, қисқача айтганда, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик нақадар катта бойлик эканини барчамиз яхши англаймиз. Айнан тинчлик ва осойишталик туфайли ривожланишнинг "ўзбек модели" ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилмоқда, янгидан-янги саноат корхоналари қурилмоқда, темир йўллар ишга туширилмоқда, таълим, тиббиёт, маданият, спорт объектлари барпо этилмоқда, аҳоли турмуш даражаси юксалмоқда.

2➢







**Парламентда**

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари, партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати масъул ходимлари, экспертлар, тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.**

**Йиғилишда дастлаб "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда муҳокама этилди.**

## Ижтимоий аҳамиятга молик қонун лойиҳалари *фракция муҳокамасида*

Таъкидланганидек, 1993 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни бозор иқтисодиётининг ҳозирги вақтдаги замонавий талабларига ва амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни либераллаштириш, давлат билан хусусий шерикликни мустаҳкамлаш, мамлакатда меҳнат қонунчилиги ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларга мос келмай қолди. Шу ва соҳага доир бир қатор йўналишдаги масалаларни ҳал этиш зарурияти туфайли "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонун янги таҳрирда ишлаб чиқилди.

Қонун нормаларини янги қабул қилинган қонунлар ва меъёрий актлар талабларига мувофиқлаштириш, ташкилотларда иш берувчи ва ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бажариш бўйича масъулиятини ошириш, шу жумладан, ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ҳодиса ҳолатларини яшириш ёки ўз вақтида текшириш ўтказмаслик, меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари ижросини назорат қилувчи давлат органининг кўрсатмаларини белгиланган муддатларда бажармаслик ҳолатларига чек қўйиш, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларнинг молиявий таъминотини кучайтириш, меҳнат шароитлари ва муҳофазаси юзасидан тегишли назоратни таъминлаш бўйича махсус ваколатли давлат органи, давлат бошқаруви органлари ва идораларнинг функция ва вазифаларини белгилаш шулар жумласидандир.

2➢

## Парламентаризм соҳасидаги ислоҳотларда *янги босқич*

**Қонун кучга кирди**

**Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Конституциямизда белгиланган ҳокимиятлар бўлиниши принципи асосида парламентнинг ролини ошириш ва фаолиятини такомиллаштириш, қонунчилик ҳамда ҳокимият вакиллик органларининг марказ ва жойлардаги ваколатлари ҳамда назорат вазифаларини кучайтиришга қаратилган демократик ўзгаришлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Ушбу соҳада қабул қилинган йигирмадан ортиқ қонун мамлакатимизда парламент назоратини самарали амалга ошириш учун ҳуқуқий асос бўлаётир.**

4➢

## "Roison Home White Goods" ЖИЗЗАХДА



**Қўшма корхоналар иқтисодиёт таянчи**

**Мамлакатимизнинг иқтисодий қудрати йилдан-йилга юксалиб, ялпи ички маҳсулот ҳажми юқори суръатларда барқарор ўсиб бормоқда. Бугун буни нафақат ҳамюртларимиз, балки жаҳон экспертлари ҳам эътироф этишаяпти. Юртимиздаги сиёсий ва иқтисодий барқарорлик, кенг кўламли иқтисодий ислоҳотлар бунинг асосий омили бўлмоқда.**

5➢

## Осуда ҳаётимизнинг *мустаҳкам таянчи*

**14 январь — Ватан ҳимоячилари куни**

**Ҳозирги вақтда дунёда кечаётган мураккаб жараёнларни, шу жумладан, минтақамиздаги замонавий таҳдидлар ва хавфсизликка қарши қаратилган хатарларни тизимли ва чуқур таҳлил қилиб бориш, уларнинг ўрта ва узоқ келажакда олиб келиши мумкин бўлган оқибатларини инобатга олган ҳолда, юз бериш эҳтимоли бўлган ҳарбий ҳаракатларни кузатиш ва унинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб бориш бизнинг энг долзарб вазифаларимиздан бирига айланиб бормоқда.**



Афғонистондаги вазиятнинг тобора мураккаблашиб бораётгани, наркотрафик, халқаро терроризм, экстремизм кенг тус олаётгани, бизга чегарадош баъзи мамлакатларда юзага келган беқарорлик, шунингдек, минтақамизда бошқа таҳдид ва хавф-хатарларнинг сақланиб қолаётгани биздан Қуролли Кучларимизнинг ҳарбий тайёргарлиги ва жанговар қобилиятини муттасил ошириш, мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш, унинг давлат чегараларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш борасидаги чораларни янада кучайтиришни тақозо этмоқда. Буларнинг барчаси биздан доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиш, яқин атрофимизда иғво қўзғатиб, кескинлик ва қарама-қаршилик ўчоқларини келтириб чиқаришга қаратилган ҳар қандай уринишларни бартараф этишга тайёр туришни талаб қилади.

Таъкидлаш лозимки, юртимизда ҳукм сураётган тинч ва осойишта ҳаёт, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни сақлаш, чегараларимиз дахлсизлигини асраш, узоқ ва яқин атрофимиздаги давлатлар билан дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, турли минтақа ва ҳудудларда хавф-хатар ва таҳдидлар тобора кучайиб бораётган таҳликали замонда доимо огоҳ, сергак ва ҳушёр бўлиб яшаш, сафарбарлигимизни янада ошириш — бугун ҳаётнинг ўзи барчамиздан талаб қилаётган энг муҳим ва долзарб вазифамиздир.

3➢

**Бугунги сонда:**

**ФАУНА ВА ФЛОРА**
ҳаётимиз манбаидир



7

**ИШОНЧГА КИРГАН ҚАЛЛОБ**
жавобгарликдан қочиб қутула олмади



6

**ИЛМ-ФАННИНГ РИВОЖИ —**
иқтисодий, ижтимоий тараққиёт гарови



5

# Ижтимоий аҳамиятга молик қонун лойиҳалари

## фракция муҳокамасида

Давоми. Боши 1-бетда

**Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА, Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси:**



— Соҳадаги хорижий тажриба ва халқаро талаблардан келиб чиқиб, ишчи гуруҳимиз томонидан амалдаги "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонун мазмунан ва тузилиши жиҳатидан қайта кўриб чиқилди.

Хусусан, қонун лойиҳасида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ва бу соҳада давлат сиёсати олиб боришда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ваколатлари белгиланди.

Қонун лойиҳасига "Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги — меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида махсус ваколатли давлат органидир", деган тушунча киритилди ва махсус ваколатли давлат органига меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ва қонуности ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш вазифаси юклатилди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича жамоатчилик назоратини ўрнатишни таъминлаш юзасидан талаблар киритилди ва бошқа давлат бошқаруви органларининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ва жойларда давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари белгиланди.

Шу билан бирга, қонун лойиҳасига корхона ва ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг вазифаларини амалга оширишда, иш жойларнинг меҳнат шароитлари бўйича аттестацияси ва иш жойларнинг жароҳатлаш хавфлилигини аниқлаш ва ходимларни меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўқитиш ва малакасини ошириш, меҳнатни муҳофаза қилиш аудити ташкил этиш бўйича меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида хизматлар бозорининг профессионал иштирокчиси тушунчаси киритилди.

Янги таҳрирдаги "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси партиямизнинг ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналарда ходимларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, бизнес тузилмаларнинг ижтимоий масъулиятини янада ошириш ва бу борада қонунчилик базасини такомиллаштиришга доир дастурий вазифаларига ҳамоҳанглиги билан аҳамиятлидир.

Хусусан, қонун лойиҳасида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида кафолатлар, ҳуқуқлар, иш берувчи ва ходимларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам белгилаб қўйилмоқда.

Ходимларнинг айрим тоифалари, аёллар, вояга етмаган шахслар ва меҳнат қобилияти чекланган шахслар учун меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари белгиланди.

Бундан ташқари, меҳнатни муҳофаза қилишнинг давлат назорати, меҳнат шароитларининг давлат экспертизаси, меҳнат хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатларининг мониторинги тушунчалари киритилди.

Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назорати тартиби қайта кўриб чиқилди ва касаба уюшмаларининг ходимлар меҳнатини муҳофаза қилишга доир ҳуқуқини ҳимоя этиш борасидаги ҳуқуқлари кенгайтирилди.

Қонун лойиҳасини муҳокама қилиш жараёнида фракциядошларимиз томонидан Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг асосий ғояларидан келиб чиқиб, инсоннинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари ҳимоя қилинишининг ишончли кафолати сифатида меҳнат ва бандлик, ижтимоий хавфсизлик ва меҳнат муҳофазасини таъминлашда давлатнинг роли устувор бўлиши зарурлигига эътибор қаратилди ва қўллаб-қувватланди.

Йиғилишда "Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ҳам фракция аъзолари эътиборига биринчи ўқишда ҳавола этилди.

Қайд этилганидек, ушбу қонун лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 30 июнда қабул қилинган 2016-2020 йилларда Қон хизматини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Қонун лойиҳаси донорларнинг жинсига боғлиқ ҳолда бир марта олинадиган донорлик қони ҳажми меъёрини, қон топшириш даврийлигини тартибга солиш, шунингдек, узоқ вақтдан бери бепул қон топшираётган шахсларни қўшимча моддий рағбатлантириш йўли билан республикада бепул донорликни янада ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Лойиҳада "Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 19-моддасига ўзгартиришлар киритиш назарда тутилмоқда. Унга мувофиқ, қон ва унинг таркибий қисмларини топшириш, шунингдек, қонни лаборатория текширувлари учун топшириш тартиби, даврийлиги ва ҳажмини белгилаш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ваколатига ўтказилади.

Тиббий технологиялар доимо такомиллаштирилишини, гематология ва қон қуйиш соҳасида ўтказилаётган илмий тадқиқотларни, қон ва унинг таркибий қисмларини топшириш тартибидаги мумкин бўлган ўзгаришларни инобатга олган ҳолда, қонунчиликка такрорий ўзгартиришларни киритиш зарурлигини истисно қилиш мақсадида қонни лаборатория текширувлари учун топшириш тартиби, даврийлиги ва ҳажмини белгилашни ҳам Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ваколатига ўтказиш таклиф этилмоқда.

**Ўткир ХОЛОВ, Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси:**



— "Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида"ги қонуннинг 21-моддасига киритилаётган қўшимчага кўра, "Ўзбекистон Республикаси фахрий донори» кўкрак нишони билан тақдирланган донорларни энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида бир марталик мукофотлаш кўзда тутилмоқда.

"Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунни қабул қилиш амалдаги қонун ҳужжатларининг алоҳида меъёрларини мавжуд жаҳон стандартларига мувофиқлаштириш, шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси фахрий донори» нишони билан тақдирланган шахсларни моддий рағбатлантириш тизимини жорий этиш йўли билан республикада беғараз донорликни янада ривожлантиришга кўмаклашиш имконини беради.

Мазкур қонун лойиҳаси аҳолини ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоялаш соҳасидаги давлат сиёсатининг ҳуқуқий базасини янада мустаҳкамлаш, аҳолининг кенг қатламларини бепул, ихтиёрий ва мунтазам донорликка жалб этиш, узоқ вақтдан бери бепул қон топшириб келаётган шахсларни рағбатлантириш орқали донорларни моддий рағбатлантириш механизмини яратиш имконини бериши ва натижада соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотларни янада такомиллаштиришга хизмат қилиши билан "Адолат" СДПнинг ижтимоий соҳадаги дастурий мақсадларига мосдир.

Шунингдек, биринчи ўқишга ҳавола этилаётган "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2016 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси ҳам фракция аъзолари томонидан қизғин муҳокама этилди.

Бугунги кунда ёшга доир пенсия тайинлаш учун етарлича иш стажига (эркаклар 25 йил, аёллар 20 йил) эга бўлмаган шахсларга ёшга доир пенсиялар тайинлаш тартиби "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонуннинг 8-моддаси билан тартибга солиниб, унга асосан иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги ёшга доир пенсиялар ушбу қонун 37-моддаси биринчи қисмининг тегишли бандларида назарда тутилган камида 5 йил иш стажи мавжуд бўлган тақдирда, бор стажга мутаносиб миқдорда тайинланади.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳасига мувофиқ иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги умумий асосларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи минимал талаб қилинган иш стажини ушбу соҳада хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш асосида 7 йил этиб белгилаш назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга, мазкур қонун лойиҳасида "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонуннинг 56-моддасини бошқа қонун ҳужжатларидаги нормаларга мувофиқлаштириш мақсадида ўзгартиш киритилмоқда.

**Фракция аъзолари мазкур қонун лойиҳаси ҳам партиянинг пенсия таъминотига доир ҳуқуқий меъёрларни такомиллаштириш билан боғлиқ дастурий мақсадларига мос эканлигини таъкидладилар ва қонун лойиҳасини маъқулладилар.**

**Йиғилиш сўнгида муҳокама этилган барча масалалар юзасидан партия позициясидан келиб чиқувчи таклиф-мулоҳазалар билдирилди ва фракциянинг нуқтаи назари белгилаб олинди.**

**Илёс САХАТОВ,**
"Adolat" мухбири

# Янги довон баракаси

**Муносабат**

*Давлатимиз раҳбари халқимизга йўллаган Янги йил табригида вақтнинг азим дарёдек шиддат билан ўтиши боис ҳар жиҳатдан истиқболли тараққиётимизнинг янги довонига дадил қадам қўйганимизни алоҳида таъкидлади.*

Табрикда эришаётган улуғвор ютуқларга пойдевор бўлиб хизмат қилган бешта устувор йўналишдан бири кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб берилаётгани эканлигига эътибор қаратилгани биз, ишбилармоннинг ғуруригa ғурур қўшди.

Мен раҳбарлик қилаётган кўп тармоқли фермер хўжалиги пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан бир қаторда паррандачиликка ҳам ихтисослаштирилган. Дастлаб 15 минг товуқ боқишга мўлжалланган паррандачилик фермасини ишга туширган эдик. Ўтган йили 3 миллион дона тухум сотдик. Бунга қўшимча яна 2 та жойда ҳар бири гўшт етиштириш йўналишида 15 минг та товуқ асрайдиган фермамиз иш бошлади. 50 тонна гўшт сақлашга мўлжалланган замонавий музлаткич, 150 тонна мева-сабзавот сақлашга йўналтирилган совитиш камерасини ҳам фойдаланишга топширдик. "Кексаларни эъзозлаш йили"да туманимизда саноат йўналишида 18, сервис соҳасида 60, қишлоқ хўжалиги тармоғида 74 та ана шундай янги тадбиркорлик нуқталари ишга туширилди. Буни мустақил мамлакатимиз миқёсида тасаввур қилиб кўринг: минглаб ёшлар, шу жумладан, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ҳам иш билан таъминланмоқда.

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов жорий йилни "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилди. Қачон она ва бола соғлом бўлади? Улар яшаётган мамлакат озод, обод, тинч, фаровон, қудратли, улар яшаётган оила бошлиғи эса ҳалол меҳнат эвазига даромад топса. Бизнинг жамоамизда 34 нафар ватандошимиз меҳнат қилмоқда. Демак 34 та оиланинг қозони қуюқ қайнамоқда, аёли, фарзандлари тўкин яшамоқда. Янги довонимиз ҳам баракали бўлишига шак-шубҳа йўқ!

**Муҳаммадшариф ҚУРБОНОВ,**
Элликқалъа туманидаги "Н.Қурбонов" кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари

# Тинч ва фаровон юртда яшаш —

## олий бахт

Давоми. Боши 1-бетда

Шубҳасиз, умумий уйимиздаги тинчлик ва осойишталик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувликнинг таъминланиши мустақиллик йилларида биз эришган энг катта ютуқларимиздан биридир. Турли тоифадаги фуқаролар ўртасида тенгликнинг йўқлиги, бир-бирини инкор қилиш, ихтилоф ва душманлик қанчалик аянчли оқибатларга олиб келишини бугунги кунда дунёдаги қатор мамлакатларнинг нохуш тажрибаси яққол тасдиқлаб турибди. Яқин ва узоқ атрофимизда хавф-хатарлар, сиёсий ва иқтисодий қарама-қаршиликлар авжига чиқаётганини, терроризм ва экстремизм ҳаракатларини, қонли тўқнашувларни кузатиб, меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат ҳукм сураётган жамиятда фаровон ва бахтли ҳаёт кечираётганлигимиз учун Яратганга шукроналар айтамиз.

Дарҳақиқат, биз ўтган йиллар давомида мунтазам равишда бунёдкорлик ишлари билан шуғулланиб, қатор стратегик соҳаларда тўлиқ мустақилликка эришганлигимизни алоҳида эътироф этиш зарур. Агар 1990 йилда Ўзбекистон дея аталган мурғак давлат очарчилик, парокандалик остонасига бориб қолган бўлса, мустақиллигимизнинг йигирма тўртинчи йилида унинг бир йиллик Давлат бюджети 31 триллион сўмдан зиёдни ташкил этди. Кейинги 11 йил давомида мамлакатимиз иқтисодиёти жаҳондаги камдан-кам давлатлар қаторида барқарор суръатлар билан ривожланди, шу жумладан, ўтган 2015 йилда ҳам ялпи ички маҳсулотимизнинг ўсиши 8 фоиздан кам бўлмади.

Мустабид шўро даврида Ўзбекистон "марказ"га асосан пахта хомашёси етказиб берувчи қолоқ мамлакат ҳисобланган бўлса, ҳозирда тайёр саноат маҳсулотларининг сони ва тури тобора кўпайиб бораётганини кўришимиз мумкин. Ҳозирда ялпи ички маҳсулот таркибида саноат маҳсулотларининг улуши 26 фоиздан ошганлиги мамлакатимиз тобора саноатлашиб бораётганлигидан далолат беради.

2016 йилда ҳам мамлакатимиз Давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилгани биз "адолатчи"ларга алоҳида мамнуният бахш этади. Айниқса, таълим-тарбия соҳасини янги, замон талаб қиладиган босқичга кўтариш биз учун стратегик аҳамиятга эга. Ҳозирда ҳар йилги ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизи таълимга йўналтирилаётганлиги ёки Давлат бюджетидан ижтимоий соҳага ажратилаётган маблағларнинг 35 фоизи таълим тизимига сарфланаётгани мамлакатимизда инсон омилини янада юксалтиришга катта эътибор қаратилаётганлигидан далолат беради.

Бугунги замон қандай шиддат билан ўзгариб бораётганини ҳисобга оладиган бўлсак, таълим-тарбия соҳасига эътиборимизни янада кучайтиришимиз табиий ҳолдир. Табрик сўзида таъкидланганидек, биз таълим-тарбия соҳасини ривожлантиришда маблағимизни ҳам, ўзимизни ҳам аямаслигимиз керак. Зеро, "Биз дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига кўтарилишни энг юксак мақсадимиз сифатида қўйган эканмиз, бундай ўта муҳим ва масъулиятли вазифа, авваламбор, ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётган, замонавий билим ва тажрибага эга бўлган, мустақил фикрлайдиган, ватанпарварлиги ва ҳозирлиги билан ажралиб турадиган ёш авлодимиз зиммасига тушади".

**Юртбошимизнинг табрик сўзларида XXI асрда, яъни глобаллашув, интеллектуал тараққиёт ва интернет замонида яшаётганимизни инобатга оладиган бўлсак, эришган марра ва ютуқлар билан чегараланмасдан, доимо янгиликка интилишимиз лозимлиги алоҳида қайд этилган. Дарҳақиқат, биз эртанги кунимизни, олдимизда турган муаммо ва қийинчиликларни ўзимизга яққол тасаввур қилиб яшашимиз, энг катта бойлигимиз бўлмиш жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги дўстлик ва аҳиллик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашни ўзимизнинг энг устувор вазифамиз деб билишимиз лозим. Фақат шундагина жадал суръатлар билан ўзгариб бораётган замон билан ҳамқадам бўлиб яшашимиз мумкин.**

**Қодир ЖЎРАЕВ,**
Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси

# Биз эришадиган марралар

## янада самарали бўлади

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон халқига Янги йил табриги барча юртдошларимиз қатори Наманган вилоятидаги партиядошларимизга ҳам беҳад кўтаринки кайфият бағишлади. Президентимиз ўз табригида 2015 йил давомида бошимиздан кечирган, ён-атрофимизда бўлиб ўтган ташвишли ва қувончли воқеаларга, амалга оширган ишларимизга эътибор қаратиб, 2016 йилда биз эришадиган марралар янада самарали бўлишини таъкидлади. Айни пайтда жорий йилда рўёбга чиқариладиган ва мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришга хизмат қиладиган қатор лойиҳалар тўғрисида фикр юритилганлиги барчамизни руҳлантирди. Бу партиямиз фаолларининг қуйидаги дил сўзларида ҳам акс этиб турибди.

**Отабек НАЗАРОВ,**
**халқ депутатлари Норин туман Кенгашидаги "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи аъзоси, туман марказий поликлиникаси бош шифокори:**

*— Мустақиллик йилларида халқимизга тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш ва сифатини янада яхшилашга қаратилган кўпдан-кўп тадбирлар амалга оширилди. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш натижасида тиббиёт соҳасиинг моддий-техник негизи мустаҳкамланиб, замонавий технологиялар амалиётга татбиқ этилди. Тиббиёт ходимлари малакасини оширишнинг самарали тизими вужудга келтирилди. Айниқса, замонавий ускуналар билан жиҳозланган қишлоқ врачлик пунктларининг бутун бир тармоғи яратилганлиги аҳоли учун катта қулайлик бўлди.*

*Шу кунларда туман тиббиёт бирлашмасига қарашли марказий шифохона ва шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази филиалининг янги биноларини барпо этиш юзасидан бунёдкорлик ишлари бажарилмоқда. Тез орада шифокорларимиз аҳолига намунали хизмат кўрсатиш учун янги имкониятларга эга бўладилар. Президентимиз табригида таъкидланганидай, янги йилга "Соғлом она ва бола йили" деб ном берилганини эл-юртимиз катта мамнуният билан кутиб олди ва кенг қўллаб-қувватлади. Бунинг замирида "Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади" деган ғоя мужассамлигини барчамиз чуқур англамоқдамиз. Биз, шифокорлар ҳам 2016 йилда бутун куч ва билимимизни халқимиз саломатлигини мустаҳкамлашдай эзгу ишга янада кенгроқ сафарбар этамиз.*

**Адҳамжон ШАРИПОВ,**
**халқ депутатлари Уйчи туман Кенгашидаги "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи аъзоси, Уйчи туманидаги 3-умумтаълим мактаби ўқитувчиси:**

*— Президентимизнинг халқимизга йўллаган Янги йил табригини катта қизиқиш ва ҳаяжон билан тингладим. Табрикда мамлакатимизда ўтган йил мобайнида ижтимоий-иқтисодий соҳаларда қўлга киритилган юксак натижалар яна бир бор тилга олинди. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг қуйидаги сўзлари ҳар дилга шукуҳ бериб, ёрқин таассурот қолдирди: "2015 йил мобайнида мамлакатимизнинг куч-қудрати ва салоҳиятини, халқимиз фаровонлигини янада ошириш, жаҳон майдонида Ватанимизнинг обрў-эътиборини юксалтириш йўлида янги-янги марраларни забт этганимиз, халқаро миқёсдаги нуфузли рейтингларда Ўзбекистоннинг юқори ўринларни эгаллаётгани ҳаммамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди".*

*Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари қайд этганидай, аввало, таълим-тарбия соҳасига эътиборимизни янада кучайтиришимиз даркор. Чунки замон ўзгариши билан инсон ҳам ўзгаради, унинг дунёқараши, ҳаётга, ҳаётдаги ўз роли ва бурчига муносабатлари ва қарашлари бир ҳолатда турмайди. Демак, бу борадаги ишларни асло сусайтириб бўлмайди.*

*Маълумки, соғлом инсон деганда, ҳар бир кишининг маънавий қиёфасини ҳам назарда тутамиз. Бу йўналишда биз, педагоглар зиммасига катта масъулият юкланади. Чунки мактаб ҳар бир кишининг баркамол вояга етишида оиласи ва ота-онаси қатори муҳим ўрин тутади. Мен ҳам тасвирий санъат ўқитувчиси сифатида ўқувчиларни юқори билимли ва маданиятли қилиб тарбиялашга ўз ҳиссамни қўшиб келмоқдаман. Улардан энг иқтидорлиларини тўгараклар ишига жалб этганман. Болаларни тез-тез музейларга, кўргазмаларга олиб бориб тураман. Бу, ҳеч шубҳасиз, уларнинг эстетик дунёқараши шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади.*

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
«Adolat» мухбири

# Осуда ҳаётимизнинг

## мустаҳкам таянчи

Давоми. Боши 1-бетда

Ҳар қандай давлатнинг мустақиллигини, биринчи навбатда, унинг ўз армияси, Қуролли Кучлари ҳимоя қилиши керак. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, "Ўз истиқлоли ва озодлигининг қадрини билмайдиган, уни ҳимоя қилолмайдиган, бунга куч-қурби етмайдиган миллат ҳеч қачон эркин яшай олмайди, кимгадир итоат этишга, бўйин эгишга мажбур бўлади".

Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида давр талаби ва жаҳон андозаларига жавоб берадиган Қуролли Кучларни барпо этиш, мамлакатимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш ҳамда миллий армиямизни шакллантириш йўлида кенг кўламли ишлар амалга ошириилдики, буларнинг барчаси мамлакатимиз мудофаа қудратининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

Ўтган даврда сарҳадларимиз дахлсизлиги, мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган ихчам, тезкор ва ҳаракатчан, замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган миллий армияни барпо этиш йўлида кўп ишлар қилинди.

Ватанимиздаги бугунги тинч ва осуда ҳаёт, фаровонлик халқимизга мустақиллик туҳфа этган азиз неъматлардандир. Бугунги фаровон кунларимизнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш барчамизнинг зиммамиздаги улкан масъулиятдир. Зеро, Конституциямизнинг 52-моддасида қайд этилганидек, "Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир".

Она Ватанига меҳр-муҳаббатли, садоқатли кишилар ушбу эзгу даъват моҳиятини доимо дилдан ҳис этиб, шунга амал қилиб яшайдилар. Шу маънода айтганда, Ўзбекистон фарзандлари, профессионал асосдаги миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётган жасур ва мард, интеллектуал салоҳиятли ўғлонларнинг ҳар бири — офицеру аскарлар фидойиликда тенгсиз саналишади.

Ўтган йилларда Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси, "Мудофаа тўғрисида"ги, "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонунлари ҳамда ҳарбий хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилишга оид қарорлар қабул қилинди.

Хусусан, Қуролли Кучлар тизимидаги ислоҳотларда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов томонидан имзоланган бир қатор фармон ва қарорлар армиямизнинг қиёфаси ва жанговар имкониятларини, ҳарбий жамоалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни тубдан ўзгартириш имконини берди.

Чунончи, Юртбошимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитани ташкил қилиш тўғрисида"ги (1999 йил), "Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий прокуратурасини ташкил қилиш тўғрисида"ги (1999 йил), "Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судини ташкил қилиш тўғрисида"ги (1999 йил) фармонлари, "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларини ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги (2005 йил) қарори, Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларига турар жойни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун ҳар ойлик пул компенсацияси тўлаш тартиби тўғрисида"ги (2005 йил) қарори ҳарбий хизматчиларни давлат томонидан ижтимоий ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлади.

Профессионал армияни шакллантириш йўлида амалга оширилган ислоҳотлар туфайли унда хизмат қилиш Ўзбекистон фуқароси учун нафақат конституциявий бурч, балки энг нуфузли касблардан бирига, том маънодаги шон-шараф ишига айланганлигини, бугунги кунга келиб ҳарбий хизматни ўташ истагида бўлган ёшларнинг сони кундан-кунга ортиб бораётганлигида кўришимиз мумкин.

Шунингдек, муддатли ҳарбий хизматга чақириш бир йилда бир марта ташкил этилиб, уни ўташ муддати бир йил қилиб белгиланганлиги, сержантлар таркибининг сезиларли даражада кенгайгани, сафарбарлик резерви хизмати жорий этилгани миллий армиямиз қиёфасини ва мазмун-моҳиятини тубдан ўзгартирганлиги эътиборга моликдир.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган, ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тегишли тавсияномаларига эга бўлган фуқаролар барча йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича республиканинг барча олий таълим муассасаларига киришда тўплаш мумкин бўлган максимал балларнинг 27 фоизи миқдорида қўшимча балл шаклидаги имтиёзга эга бўлдилар.

Юртимизда "Мустақиллик", "Амир Темур", "Жалолиддин Мангуберди" орденлари, "Жасорат", "Содиқ хизматлари учун" каби медаллар таъсис этилган бўлиб, улар давлатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтиришга катта ҳисса қўшаётган ҳарбийларимиз меҳнатини қадрлаш, шу билан бирга, эл-юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшайдиган, фидойи ва ватанпарвар ёшларни тарбиялашга хизмат қилмоқда. Хусусан, 2012 йил 11 сентябрда Президентимиз ташаббуси билан Ватан ҳимояси учун ўзини бағишлаган, она юрт хизмати йўлида жасурлик ва довюраклик кўрсатган ҳарбий хизматчилар ва бошқа юртдошларимиз учун "Мардлик" орденининг таъсис этилгани бу борадаги ишларнинг мантиқий давомидир.


ЎзА олган сурат

Яна шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 24 октябрда "Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузурида Жамоатчилик кенгашини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорининг қабул қилиниши мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга, давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари очиқлигини таъминлашга ва бу жараёнларда фуқаролик институтларининг ролини оширишга қаратилган мантиқий қадам бўлди. Мудофаа вазирлиги ҳузурида ташкил этилган Жамоатчилик кенгаши олдига халқимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, мамлакатимиз Қуролли Кучларини ислоҳ қилиш, замонавий миллий армиямизни шакллантириш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ва улар бераётган юксак самараларни халқимизга етказиш, миллий армиямизнинг салоҳияти ва қудратини кенг тарғиб этиш, ҳарбий хизматни ўтаётганлар ва чақирилувчи ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга кўмаклашиш вазифаси қўйилди. Шунингдек, юрт ҳимоячиларини нафақат ижтимоий, балки маънавий рағбатлантиришга ҳам катта эътибор берилаяпти.

2012 йил яна бир тарихий ҳужжат — мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган "Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонунни мамлакатимизнинг узоқ йилларга мўлжалланган ташқи сиёсат стратегиясини белгилаб берувчи ўта муҳим ҳужжат сифатида баҳолаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсий фаолияти концепциясида бир қатор принципиал аҳамиятга молик бўлган илғор прогрессив ғоялар ўз аксини топган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси қўшни давлатлардаги ҳарбий можароларга ва танг вазиятларга тортилишининг олдини олиш юзасидан сиёсий, иқтисодий ва бошқа чора-тадбирларни кўриши, шунингдек, ўз ҳудудида хорижий давлат ҳарбий базалари ва объектлари жойлаштирилишига йўл қўймаслиги алоҳида қайд этилди. Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг тинчликсевар сиёсат юритиш, ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмаслик, ҳар қандай давлатлараро тузилмалар ҳарбий-сиёсий блокка айланган тақдирда улардан чиқиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолиш каби принципиал позицияси ҳам мазкур Концепцияда ўз аксини топди.

Ташқи сиёсий фаолият концепциясида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, "Мудофаа тўғрисида"ги қонунига ва Ҳарбий доктринасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари фақат давлат суверенитети ва мамлакат ҳудудининг яхлитлигини ҳимоя қилиш, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини асраш мақсадидагина тузилади ҳамда хориждаги тинчликпарварлик операцияларида иштирок этмайди, деб алоҳида белгилаб қўйилди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, мазкур Концепцияда белгиланган ташқи сиёсатнинг бир қатор тамойиллари, жумладан, бошқа давлатларнинг манфаатларини инобатга олиш, ҳамкорлик учун очиқлик, тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, суверенитет, ҳудудий яхлитликни ҳурмат қилиш, мунозарали масалаларни тинч йўл билан ҳал қилиш, умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормалари давлатнинг ички нормаларидан устувор аҳамиятга эга эканлиги каби қатор тамойилларнинг мавжудлиги давлатимизнинг ташқи сиёсий фаолияти самарадорлигини янада оширади ва очиқ демократик давлат қуриш йўлидаги изчил ҳаракатларни муваффақиятли давом эттиришни таъминлайди.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ҳам ташқи сиёсатда миллий манфаатлар устуворлигини илгари суради. Партиямиз давлат суверенитети ва мустақиллиги мустаҳкамланишини, мамлакатимизнинг халқаро муносабатларда тенг ҳуқуқли субъект сифатидаги роли ва ўрни янада кучайишини, ривожланган демократик давлатлар сафига қўшилишини, Ўзбекистон атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва дўстона қўшничилик алоқалари ўрнатилган ҳудуд ташкил этилишини қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистон Республикасида мудофаа ва хавфсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, соҳани тартибга солувчи қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда уларнинг самарали ижро этилишида фаол иштирок этиш эса биз, депутатларнинг асосий вазифаларимиздан бири саналади.

**Хулоса ўрнида айтиб ўтиш жоизки, тинчлик — тараққиёт ва фаровонликнинг асосий омили экан, ушбу бебаҳо неъматни мустаҳкамлаш, уни доимо асраш ҳар биримизнинг бурчимиздир.**

**Рашид МАТҚУРБОНОВ,**
Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси

**"Соғлом авлод учун" фонди ташаббуси билан фонднинг Тиббий-ижтимоий марказида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Марказий аппарати ҳарбий хизматчиларининг 100 га яқин оила аъзолари чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди.**

# Ҳарбий хизматчилар оилалари

## тиббий кўрикдан ўтказилди

— Барча шифокорлар кўригидан ўтдик, — дейди Феруза Юнусова. — Оиламиз аъзолари соғлом эканимизни эшитиб, жуда қувондик. Ватанимиз, оиламиз, маҳалламизда тинчлик, осойишталик таъминланишига ҳисса қўшаётган ҳарбий хизматчининг умр йўлдоши эканимдан фахрланаман. Эртанги кунда фарзандларим ҳам отасининг издоши бўлади, деган умиддаман. Қолаверса, юртимизда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, ҳар бир инсон малакали тиббий ёрдамдан фойдаланиши борасида яратилган имкониятлардан беҳад мамнунмиз.

Ўрни келганда таъкидлаш жоиз, фонд 2015 йил давомида республика бўйича жами 146 та ҳарбий қисм, ҳарбий билим юртлари ва ҳарбий муассасалардаги 13 мингдан ортиқ ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларини акушер-гинеколог, лор, офтольмолог, терапевт, педиатр, эндокринолог шифокорлари, УТТ ҳамда ЭКГ мутахассислари кўригидан ўтказишга ҳисса қўшди.

— 2015 йилда тиббий-кўрикдан ўтган ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг 6110 нафарини аёллар, 5772 нафарини болалар, 316 нафарини ўсмирлар ва 993 нафарини эркаклар ташкил этди, — дейди фонд матбуот котиби Аббосжон Эргашев. — Тиббий кўриклар давомида ҳарбийлар оилалари ўртасида репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзи, юқумли касалликларнинг олдини олиш ва бошқа долзарб мавзуларда тарғибот ишлари ҳам олиб борилди.

Шунингдек, тиббий кўрик давомида ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларига соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган буклетлар тарқатилди.

**Бобур ТУНГАТОВ,**
«Adolat» мухбири

**Мамлакатимизда эркин, демократик жамият қуриш йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли чора-тадбирлар орасида мустақил Ўзбекистон давлати миллий армиясининг шаклланиши муҳим аҳамиятга эга. Чунки мустақил тараққиёт йўлини тутган ҳар қандай давлатнинг куч-қудрати, келажаги унинг халқаро вазиятдан яхши хабардорлиги, огоҳлиги, мудофаа қобилиятининг мустаҳкамлиги ва армиянинг жанговар тайёргарлигида кўринади.**

# Ватан ҳимояси

## тинчликни, келажакни асрашдир

Шу боисдан ҳам, истиқлолимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида халқаро вазият, ён-атрофимиздаги, узоқ ва яқин минтақалардаги зиддият ва қарама-қаршиликларни ҳисобга олган ҳолда юртимизнинг тинчлиги, халқимизнинг осойишта ҳаётини сақлаш, сарҳадларимизнинг дахлсизлигини таъминлаш, замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган ихчам ва ҳаракатчан Қуролли Кучларни шакллантириш, етук ҳарбий кадрларни тайёрлаш борасида кенг кўламли ислоҳотлар, бунёдкорлик ишлари амалга ошириб келинмоқда. Ватанимиз ҳимоячиларининг ҳарбий маҳоратини ошириш, уларни ҳар қандай синовдан шараф билан чиқишга шай ва қодир қилиб тарбиялаш, ҳарбий хизматни ўтаётган ёшларни турли замонавий касбларга ўргатиш, қалбларида она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳини кучайтириш муҳим вазифа саналади.

Истиқлол йилларида Қуролли Кучларимизнинг ташкилий жиҳатдан тузилиши бутунлай ўзгарди, тезкор-стратегик бошқарув, чегараларимизни самарали қўриқлаш, турли хуружлардан ҳимоялаш, юрт осмонини мусаффо сақлашнинг бугунги талабларга жавоб берадиган замонавий тизими шаклланди. Шу билан бирга, ҳарбий билимларни чуқур эгаллаган, интеллектуал салоҳияти баланд малакали кадрлар тайёрлашга, уларнинг малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Ҳарбий қисмларда маънавий-ахлоқий муҳит ўзгарди. Ватан ҳимоячиси бўлиш, чегарада сергак туриб, эл-юрт тинчлигини қўриқлаш ҳар бир эр йигит учун шон-шараф ишига айланди. Ҳар йили нишонланадиган 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни эса умумхалқ байрамига айланиб улгурди. Зеро, юрт тинч бўлса, ҳаёт янада фаровонлашади, элнинг дастурхони тўкин, турмуши обод бўлади, фарзандлар соғ-омон камолга етади.



Дунё турли талотўплар, қонли можаролар, диний ва ирқий келишмовчиликлар гирдобига тортилган, уй-жойидан, мол-мулкидан, оиласидан ажраган қочоқлар сони кун сайин ортиб бораётган, ёшлар онгини эгаллаш, уларни тўғри йўлдан адаштириш, чалғитиш ҳаракатлари авжига чиққан бугунги мураккаб шароитда Ўзбекистонда тинчлик-тотувлик, аҳил-иноқлик, ўзаро бағрикенглик ҳукм сураётгани халқимизнинг, келажаги буюк Ватанимизнинг ҳеч нарсага қиёслаб бўлмайдиган бойлиги десак, муболаға бўлмайди. Бу бойликни кўз қорачиғидек асраш барчамизнинг муқаддас бурчимиз ҳисобланади.

Жамият ўз олдига тинчликни сақлаш, эл-юрт фаровонлигини таъминлаш, имон-эътиқоди мустаҳкам янги авлодни тарбиялашдек улуғ мақсадни қўяр экан, бунда инсон омили: ташаббускорлик, фидойилик, ижтимоий фаоллик, фуқаро сифатида Ватан, миллат олдидаги бурч ва масъулиятни тўла ҳис этиши, яъни ватанпарварлик, юртсеварликни рағбатлантириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, Ватан ҳимоячиси бўлиш чегараларда ҳушёр туриш билан бирга, Ватаннинг моддий ва маънавий бойликларини, оналар, болалар, устоз-мураббийлар оромини, ҳосилдор дала ва боғларимизни, дарё ва кўлларимизни, улуғ аждодлардан бизга мерос бўлиб қолган маънавий-ахлоқий анъаналарни, бағрикенг, саховатли халқимизнинг эзгу фазилатларини, тилимизни, миллий ва диний қадриятларимизни ҳам асраш, қўриқлаш деганидир. Чунки, тинч ҳаётимизга, онг-тафаккуримизга қилинаётган тажовузлар ичида ёшлар онгида миллий туйғуни заифлаштириш ҳаракатлари ҳам мавжуд.

Ватанни асраш, уни ҳимоя қилиш — ҳар бир фарзанд учун муқаддас инсоний бурч эканини тушуниш ва бу ишга бутун вужуд, қалб, имон-эътиқод билан чоғланиш, сергак ва огоҳ бўлиб туриш етуклик ва баркамоллик, чинакам ватанпарварликдан далолат беради. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "Ҳар қайси давлатнинг чегараларини дахлсиз сақлашда ҳарбий куч-қудрат, қуролли кучлар сув билан ҳаводек зарур. Аммо халқимиз, авваламбор, ёш авлодимиз маънавий оламининг дахлсизлигини асраш учун биз нималарга таяниб-суяниб иш олиб боришимиз керак, деган савол бугун барчамизи ўйлантириши табиий. Мен, ҳаётда кўп бор ўз тасдиғини топган ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда, бу масалада шундай деган бўлардим: тобора кучайиб бораётган бундай хатарларга қарши доимо сергак, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашимиз зарур. Бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб борилаётган маънавий тарбия билан жавоб бериш мумкин".

Бугунги дунёнинг мураккаб хусусиятларидан бири шуки, иқтисоди юксак даражада ривожланган мамлакатлар ҳам ўз ҳудудларидан анча олисда жойлашган ер ости ва ер усти бойликларига суқланиб қарайдилар, шахсий манфаатдан келиб чиқиб, бошқа минтақалардаги тинч ҳаёт тарзини издан чиқаришга, бошқа халқларга ўзларига маъқул қадриятларни сингдиришга ҳаракат қиладилар. Бу ҳаракатлар, биринчи навбатда, у ёки бу мамлакатнинг хавфсизлиги ва яхлитлигига зарба берувчи ҳаракатлардир. Демакки, янада ҳушёр ва огоҳ бўлишга тўғри келади. Ватанни ҳимоя қилиш мана шундай ҳаракатларнинг маъно-моҳиятини аниқ тушуниш, бепарволикка йўл қўймаслик ҳамдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда қабул қилинган Мудофаа доктринаси ва армияни ислоҳ қилиш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган дастур асосида ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари эҳтиёжларига жавоб берадиган замонавий шаҳарчалар бунёд этиш, уларда ижтимоий, маиший ҳамда тиббий таъминот тизимларини яратиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан ҳарбий хизмат муддати бир йил қилиб белгиланиши, ҳарбий хизматга чақирилиш йилда бир марта амалга оширилиши ва бошқа чора-тадбирлар натижасида жамиятимизда ҳарбий хизматга ишонч, ёшлар орасида эса ҳарбий касбларга қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Ҳарбий унвонлар бўйича бериладиган ойлик маошлар, ҳарбий хизматдан бўшаганда тўланадиган ёрдам пули муттасил ошиб бораётгани, хизмат давомида жанговар тайёргарлик борасида алоҳида натижаларга эришган, замонавий ҳарбий-техник воситаларни чуқур ўзлаштирган йигитларга олий ўқув юртларига киришда имтиёзлар жорий этилгани айни муддао бўлди.

**Ота-оналар эндиликда мамлакатимиз Қуролли Кучларида хизмат қилаётган, эл-юрт тинчлигини сақлаётган ўғлонлари билан ҳақли равишда фахрланмоқдалар. Ватан ҳимоячилари кунининг умумхалқ байрами сифатида нишонланиши ўсиб келаётган ёш авлод қалбида ватанпарварлик, истиқлол ғояларига садоқат руҳини янада кучайтириши, тинчлик, фаровонлик ишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилиши табиий.**

**Тошпўлат МАТИБАЕВ,**
халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати

"Адолат" СДП хабарлари

# Соғлом фарзанд — оила қувончи

**Термиз шаҳрида Ўзбекистон "Адолат" СДП Сурхондарё вилоят кенгаши "Аёллар қаноти" ташкилотчилигида ўтказилган тадбир "Репродуктив саломатликнинг оилалар мустаҳкамлиги ва жамият ҳаётида тутган ўрни" мавзусига бағишланди.**

Партия фаоллари, мутахассислар, ота-оналар ва ёшлар иштирок этган мазкур тадбирда, аввало, бугунги кунда мамлакатимизда хотин-қизларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликлар хусусида сўз юритилди.

— 2016 йил "Соғлом она ва бола йили" деб номланиши оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги ишлар кўламини янада кенгайтиради, — деди вилоят партия кенгаши "Аёллар қаноти" етакчиси Дилрабо Нормуродова. — Зеро, жамият тараққиёти, миллат бардавомлиги, энг аввало, она саломатлигига, туғилажак фарзандлар соғлиғига чамбарчас боғлиқдир. Шу мақсадга йўналтирилган кенг кўламли ишларимизда эса аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш муҳим ўринга эга. Бу борадаги чора-тадбирларнинг туб моҳиятини фуқаролар онгига сингдириш, уларнинг тиббий билимларини ошириш орқали оилаларда тиббий маданиятни қарор топтириш доимий ва энг муҳим вазифалар сирасига киради.

Тадбирда вилоят Репродуктив саломатлик маркази директори Абдуғаффор Абдуллаев болаларни парвариш қилишда уларнинг овқат рациони, унинг сифати ва калориясига эътиборли бўлиш, соғлом турмуш тарзига, санитария-гигиена қоидаларига риоя этишнинг аҳамияти, эрта ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари ҳақида алоҳида тўхталди.

Самимий мулоқот тарзида ўтган тадбирда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

**Мақсуд ТЎРАЕВ,**
Сурхондарё вилоят кенгаши матбуот котиби

# Бахтимиз пойдевори мустаҳкам

**Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Фарҳод Абдуллаев ташаббуси билан 35-Тузель сайлов округи ҳудудида фаолият юритаётган мактабларда "Конституциямиз — бахтимиз пойдевори" шиори остида ўтказилган ойлик тадбирлар ўзига хос жиҳатлари билан кўпчиликнинг диққатини жалб қилди.**



Дастлаб пойтахтимиздаги 61, 255, 151, 149-умумтаълим мактабларининг ҳар бирида ва футбол бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатида Асосий қонунимизнинг мазмун-моҳиятини ўрганиш, унда белгиланган тамойиллар, ҳуқуқ ва қоидаларнинг жамият ҳаётида, фуқаролар, хусусан, ёшларнинг манфаатлари ҳимояланишидаги амалий ифодаси акс эттирилган тадбирлар бўлиб ўтди. Мазкур тадбирларнинг ҳар бирида тажриба алмашиш, Конституциямизни ўрганиш ва тарғиб этишда ибратли жиҳатларга эътибор қаратиш мақсадида бошқа мактаблардан муаллимлар ва ўқувчилар ҳам иштирок этишди. "ал-Бухорий", "Бобур", "Парвоз", "Мустақиллик 10 йил", "Баҳор" маҳаллалари фаоллари, ота-оналар ҳам қатнашган ушбу анжуманлар доирасида ҳомийлар кўмагида мактабларга компьютер, кондиционер, замонавий русумдаги принтерлар тақдим этилганлиги барчани хушнуд қилди.

Тадбирларда кўпчиликда қизиқиш уйғотиб, эътирофга сазовор бўлган чиқишлар Конституция ойлиги якуний анжуманининг мундарижасида акс этди, дейиш мумкин. "Баҳор" маҳалласида жойлашган 10-болалар мусиқа ва санъат мактабида кўтаринки руҳда ўтказилган ушбу анжуман Бош қомусимиз ёрқин ғояларининг яна бир тантанаси, гўзал тараннумига айланди. Асосий қонунимизнинг яратилиш тарихи, дунёда мафкуралар кураши тобора кучайган бир даврда Бош қомусимиз халқимизни, айниқса, ёшларни ғоявий жиҳатдан мустаҳкам муҳофаза қилаётгани, ундаги ҳар бир модда мазмуни, тамойил ва қоидалари юксак даражада халқчил ва мукаммал эканлиги, ҳуқуқий тарбиянинг аҳамияти ҳақидаги чиқишлар, бадиий лавҳалар, викторина ўйинлари ўқувчиларнинг Конституциямизга бўлган меҳрини ошириб, ҳуқуқий билимларини янада кенгайтирди. Мактаблар жамоалари ва ўқувчилари ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамланиши Конституция ойлигининг яна бир муҳим жиҳати бўлганини барча бирдай эътироф этди.

**Нафосат ҚАЛАНДАРОВА,**
Чилонзор туманидаги 128-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

# Парламентаризм соҳасидаги ислоҳотларда янги босқич

Давоми. Боши 1-бетда

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2015 йил 27 ноябрда қабул қилиниб, Сенат томонидан 2015 йил 4 декабрда маъқулланган ҳамда 29 декабрь куни Президентимиз томонидан имзоланган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун миллий парламентаризм соҳасидаги ислоҳотларни навбатдаги босқичга кўтариши шубҳасиз.

Таъкидлаш лозимки, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси парламент фаолияти самарадорлигини янада ошириш, унинг назорат вазифаларини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўтган йилларда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ушбу Концепция асосида ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, парламентга мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазир ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш ҳуқуқи берилди. Бунинг натижасида қабул қилинган чора-тадбирлар ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари самарадорлигини ошириш, аҳолининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тўла таъминлаш, жойларда юзага келаётган долзарб масалаларни адолатли ҳал этишга кўмаклашмоқда.

Қонунчилигимизга киритилган навбатдаги ўзгартишлар ҳам том маънода Конституцияга киритилган янгиликларнинг қонунларимизга, ҳаётимизга босқичма-босқич татбиқ этилаётганининг ифодасидир.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2015 йил 23 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида конституциявий ислоҳотлар нуқтаи назаридан, Олий Мажлис палаталари ва энг аввало, фракцияларнинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш, қабул қилинаётган қонунлар, муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий давлат дастурларининг ижросини сўзсиз таъминлаш борасидаги фаолияти сифат жиҳатидан янги асосда қурилиши лозимлигини таъкидлаган эди.

Шундан келиб чиқиб, янги қонун билан «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги ва Олий Мажлис палаталари регламентлари тўғрисидаги қонунларга бир қатор ўзгартишлар киритилди. Унга кўра, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг айрим долзарб масалалари бўйича Бош вазир ҳисоботини эшитишни заруриятга қараб, парламент сўрови асосида амалга ошириш, Вазирлар Маҳкамаси ёки ҳукумат аъзоси унга юборилган парламент сўрови, депутат ва сенатор сўрови бўйича қонунларда ўрнатилган тартиб ва муддатларда жавоб бериши шартлиги мустаҳкамланди.

Шунингдек, депутат назоратининг самарадорлигини ошириш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги қонунга киритилган ўзгартишларга кўра, алоҳида депутатлик сўрови институтини амалиётга жорий қилиш тартиби мустаҳкамланди. Умуман олганда парламент сўрови ва депутатлик сўрови институтларининг ўзига хос муҳим жиҳатлари ҳамда ўзаро фарқлари қонунчиликда белгилаб қўйилиши келгусида ушбу ваколатлардан фойдаланишда ушбу институтларнинг самарали ишлашига хизмат қилади.

Унга кўра, Қонунчилик палатаси депутати давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига, қоида тариқасида, тегишли сайлов округи сайловчиларининг ёки Ўзбекистон экологик ҳаракатининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан сўров юборишга ҳақли эканлиги белгиланди.

Шаклланган амалиётдан келиб чиқиб, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси регламенти тўғрисида"ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги қонунлар депутатнинг сайловчилар, сиёсий партиялар билан ишларни ташкил этишнинг батафсил қонуний тартибини белгиловчи тегишли қўшимчалар билан тўлдирилди.

Ушбу янгиликка мувофиқ, фракциялар ҳар йили Қонунчилик палатасининг Кенгаши билан биргаликда депутатларнинг сайловчилар билан сайлов округларидаги ишлари учун мўлжалланган вақтни белгилайди.

Қонунчилик палатаси депутати сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш чоғида мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг, парламентнинг қонунчилик ва назорат-таҳлил фаолиятининг бориши, фракциянинг фаолияти, унинг мамлакат социал-иқтисодий ҳамда ижтимоий-сиёсий ривожланишининг муҳим масалаларига доир нуқтаи назари тўғрисида сайловчиларга ахборот бериши, янги қабул қилинган қонунларнинг моҳияти ва аҳамиятини сайловчиларга етказиши, ҳуқуқни қўллаш самарадорлигини ва сайловчиларнинг қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш борасидаги эҳтиёжларини аниқлаш мақсадида, қабул қилинган қонунларнинг ижро этилиши ҳолатини ўрганиши белгилаб қўйилди.

Шу билан бирга, ушбу янгиланишлар асносида депутатнинг сайлов округидаги ишини ташкил этиш шакллари очиб берилди. Бунда асосий ролни сиёсий партияларнинг фракциялари амалга оширади.

Қолаверса, эндиликда жойлардаги давлат ҳокимияти органлари депутатларга уларнинг сайлов округларида кўмак кўрсатиши билан боғлиқ норма ҳам такомиллаштирилдики, бу ўз навбатида, сайловчилар билан олиб борадиган ишларимизда, жойларда кўтариладиган бир қатор ижтимоий-иқтисодий масалаларни тезкорлик билан ҳал этишда муҳим роль ўйнайди.

Яъни, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари Қонунчилик палатаси депутатини сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш учун зарур шарт-шароитлар билан таъминлайди. Ижро этувчи ҳокимият органлари бинолар ажратилишини ташкил этади, депутатнинг сайловчилар билан учрашувлари ўтказиладиган, депутат томонидан фуқаролар қабул қилинадиган вақт ва жой ҳақида фуқароларни хабардор қилади, қабул ва учрашувларда иштирок этиш учун депутатнинг таклифига биноан ўз масъул вакилларини юборади, шунингдек, депутатнинг жойлардаги ишига кўмаклашиш юзасидан бошқа чора-тадбирлар кўради.

"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун билан амалиётга жорий этилаётган яна бир янгиликка мувофиқ, қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш жараёнини такомиллаштириш мақсадида парламентда ўзини мухолифат деб эълон қилган фракция томонидан муқобил қонун лойиҳасини киритиш вақти аниқлаштирилди. Яъни, мухолифат фракция қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилгунига қадар ўша масалага доир қонун лойиҳасининг муқобил таҳририни киритиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланди.

Бундан ташқари, мухолифатга муқобил қонун лойиҳасини киритиш билан бирга Қонунчилик палатасининг муқобил қарори лойиҳасини киритиш ҳуқуқи ҳам берилди.

Ушбу норма қонун ижодкорлиги жараёнида фракциялараро рақобатни ривожлантириш, пировардида қабул қилинаётган қонунларнинг сифати ва ҳаётийлигини таъминлашга хизмат қилади. Айниқса, жорий сайловлардан кейин Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ўзини мухолифат деб эълон қилган Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси фаолияти самарадорлигини янада оширишга, дастурий ғояларимизни қабул қилинаётган қонунларга сингдириш орқали амалиётга кенг жорий этишда муҳим аҳамият касб этади.

Янги қонун билан, шунингдек, «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунга ҳам сиёсий партияларни молиялаштириш фаолиятини соддалаштириш ҳамда сиёсий партияларни молиялаштириш мақсадида Давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг ишлатилиш самарадорлигини оширишга қаратилган бир қатор ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилдики, бу ҳам сиёсий партияларнинг демократик ислоҳотлардаги иштирокини янада кучайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**Тўлқин АБДУСАТТОРОВ,**
Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси

# Фуқароларнинг фикр-мулоҳазалари амалий ишларга ундайди

**➢ Депутатлик назорати**

**Депутатнинг сайловчилар билан доимий мулоқоти, ўз олдига қўйган мақсадларини рўёбга чиқаришда ҳаёт билан ҳамнафас ишлаши амалий аҳамият касб этади. Аҳоли ўртасида партиямизга бўлган ишончни кучайтириш ҳам ана шундай жиҳатлар билан боғлиқ.**



— Биз ўтган сайловларда маҳаллий Кенгашлардаги эллик бешта депутатлик ўрнини қўлга киритдик. 2009 йилдаги натижаларга таққосласак, бу сезиларли ўсиш, албатта. Хусусан, еттита туман маҳаллий Кенгашида депутатлик гуруҳи тузилгани жуда қувонарлидир. Чунки, аввал вилоятдаги биронта шаҳар ёки туманда депутатлик гуруҳи тузишга эришилмаганди, — дейди Ўзбекистон "Адолат" СДП Наманган вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари Олимжон Мақсудов. — Аммо очиғини айтганда, ҳозир ҳам маҳаллий вакиллик органларидаги депутатларимиз сони бошқа партиялардан сайланган депутатларга нисбатан камроқ. Шунинг учун электорат билан яқиндан ишлашни, хайрихоҳларимизни ўйлантираётган масалаларни ўрганиш, улар дуч келаётган муаммоларнинг ечимини топишга кўмаклашишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

О.Мақсудов Поп туманидаги 1-"Тошматов" сайлов округидан халқ депутатлари вилоят Кенгашига депутат этиб сайланган. Санг қишлоғи мазкур сайлов округида аҳоли сони жиҳатидан ҳам, ҳудуди бўйича ҳам энг катта ҳисобланади. Бу ерда еттита маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд. Улардан бири — "Пиллакаш" МФЙга партиядошимиз Исоқжон Ҳайдаров раислик қилмоқда.

— Ҳамқишлоқларимиз маҳаллий вакиллик органларига сайлов ўтказилганда Олимжон Мақсудовга ишонч билдиришганидан эндиликда хурсанд бўлишаётгани бежиз эмас, — дейди И.Ҳайдаров. — Мана, орадан бир йил ўтди. Бу вақт ичида депутатимиз бизга қатор масалаларни ечишда қонуний тартибда ёрдам кўрсатганини алоҳида таъкидламоқчиман. Ўринли таклифлар асосида ва ҳамжиҳатликда ҳали амалга ошириладиган режаларимиз ҳам йўқ эмас.

Бу мулоҳазаларда жон бор, албатта. Мисол учун, депутат О.Мақсудовнинг бевосита аралашуви билан маҳалла фуқаролар йиғини идораси учун жой ажратилди. Айни пайтда фойдаланилмай турган объектлардан бири туман ҳокимининг қарори билан маҳалла ихтиёрига берилди.

Яқинда Санг қишлоғида бўлганимизда "Пиллакаш" МФЙ фаолларининининг депутат билан мулоқоти устидан чиқиб қолдик. Маълум бўлишича, улар янги тикланадиган гузар лойиҳаси ҳақида фикрлашаётган эканлар. Бу ерда фуқаролар йиғинининг идораси, ходимлар учун алоҳида хоналар, чоғроқ мажлислар зали ҳам барпо этиш мўлжалланмоқда. Шу ўринда маҳалладошларга меҳнат фахрийси Раҳимжон Маманазаровнинг таклифи жуда маъқул тушганлигини айтиш зарур.

— Ўтган йили ёзда Тошкентга борган эдим. "Янгиобод" маҳалласида бўлганимизда ўша ерда барпо этилган гузарни кўриб қойил қолдим, — деди Р.Маманазаров. — У шундай нозик дид билан чиройли ва пухта лойиҳа асосида қурилганки, фақат ҳавас қиласиз. Идора биносидан ташқари қатор маданий-маиший хизмат нуқталари, оталар чойхонаси, тантаналар мажмуаси — ҳамма-ҳаммаси бор. Қани энди, бизда ҳам шундай шароитлар яратилса...

— Бу фикрингизни қўллаб-қувватлайман, — дея унинг сўзини давом эттирди яна бир фаол Тоҳиржон Маткаримов. — Аҳиллик ва уюшқоқлик билан ишласак, мақсадга эришамиз. Мен маҳалламиздаги тадбиркорлар билан суҳбатлашдим. Улар гузар қурилиши бошланса, эзгу ишдан четда турмасликларини айтишди.

Ўша куни депутат ва фаоллар маҳаллада ичимлик суви таъминоти бўйича амалга оширилган ишни ҳам кўздан кечирдилар. Насос носозлиги туфайли тўхтаб қолган қудуқ бугунги кунда аҳолига бино-йидек обиҳаёт етказиб бермоқда. Бунинг учун депутат тумандаги мутасадди ташкилотларга депутатлик сўрови билан мурожаат қилганидан сўнг насос таъмирланиб ишга туширилди.

Йўл-йўлакай 33-мактабгача таълим муассасаси фаолияти билан ҳам танишилди. Бу ерда 215 нафар ўғил-қиз тарбияланар экан. Мудира Маҳбуба Жумаеванинг айтишича, бино мослаштирилганлиги учун муассасада айрим муаммолар ҳам юзага келган. Бир неча йилдан бери бинони мукаммал таъмирлаш масаласи кўтарилаётган бўлса-да, масала ҳал бўлмаётган экан. Депутат бу ишни ҳам назорат қилишга ваъда берди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Олимжон Мақсудовнинг фаолиятидан бундай мисолларни яна келтириш мумкин. У белгиланган жадвал бўйича фуқароларнинг қабулини ўтказади. Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят кенгаши биносида ҳам фуқароларни қабул қилиш йўлга қўйилган. Бундан ташқари, сайловчиларнинг талаб ва истаклари асосида, шунингдек, қонунлар ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг ижроси юзасидан депутатлик сўровлари билан тегишли ташкилот ва муассасаларга мурожаат қилиб, амалий натижаларга эришмоқда.

**Яқинда ўз сайлов округи ҳудудида ўтказилган учрашувларда депутатлик фаолияти бўйича ҳисоботлар берганида юқоридаги масалалар юзасидан ҳам батафсил ахборот берди, фуқароларнинг таклиф ва мулоҳазаларини тинглаб, улар билан фикрлашди.**

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
"Adolat" мухбири,
*Раҳмонжон МАМАДАЛИЕВ олган сурат*

➢ **Инновацион лойиҳалар амалиётга**

# Илм-фаннинг ривожи —

## иқтисодий, ижтимоий тараққиёт гарови

**Реал иқтисодиёт соҳаларида халқаро мезон ва стандартларга мос кўрсаткичларга эришишда юқори малакали, етук кадрларнинг ўрни беқиёс. Шу боис кейинги йилларда юртимизда олий таълим муассасаларининг илмий ва педагогик фаолияти даражаси ҳамда сифатини ошириш, улардаги профессор-ўқитувчилар ҳамда талабаларнинг илмий салоҳиятини юксалтириш бўйича кенг миқёсли ислоҳатлар амалга оширилмоқда.**



**"Адолат" СДП инновацион технология ва ишланмаларни тараққий эттириш масалалари мамлакатимизда илм-фан ва илмий тадқиқотлар ривожланишига, уларнинг қўллаб-қувватланишига узвий боғлиқ, деб ҳисоблайди.**

*Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Сайловолди дастуридан*

Республикамиздаги бошқа олий таълим муассасалари қаторида Бухоро муҳандислик-технология институтида ҳам бўлажак мутахассислар, талабаларни меҳнат бозорига муносиб кадр сифатида тайёрлаш, уларнинг замонавий билимлар ва илғор технологияларни мукаммал ўзлаштиришлари учун барча шарт-шароит яратилган. Институтда ўқитувчилар, илмий ходимлар ҳамда иқтидорли, билимли ёшларимизнинг фаол иштирокида илмий-амалий, фундаментал ва инновацион тадқиқотларни юритишга имкон берувчи илмий лабораториялар ташкил этилган. Қолаверса, тадқиқ этиладиган илмий муаммоларни интеграциялаш ва мувофиқлаштириш мақсадида 2014 йилда институтда "Илмий тадқиқотларни интеграциялаш ва инновациялар маркази"га асос солинди.

Марказ фаолиятининг устувор йўналиши илмий тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга татбиқ этиш билан боғлиқ. Жумладан, инновацион гуруҳлар фаолиятини мувофиқлаштириш, инновация ярмаркаларида самарали иштирок этиш, давлат грантлари ва хўжалик шартномалари асосида олиб борилаётган тадқиқотларни самарали бошқариш ва назорат қилиш марказ фаолиятининг устувор вазифаларидан ҳисобланади. Марказ таркибида "Озиқ-овқат технологиялари" ўқув-илмий маркази ва "Билимлар трансфери офиси" ташкил этилди. Бухоро муҳандислик-технология институти "Талабалар инновацион ғоялари ва бизнес лойиҳалари" ва "Энг яхши илмий-инновацион кафедра" танловлари низомлари ишлаб чиқилди ҳамда тасдиқланди. "E-line press" компанияси билан шартнома тузилиб, Оксфорд университети кутубхонасига уланилди.

Институтимиз олимлари ҳозирги кунда жами 406 миллион сўмлик 10 та давлат грантлари асосида (6 та амалий, 1 фундаментал ва 2 нафар ёш олимлар, 1 та инновацион лойиҳа) илмий тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар. Бу лойиҳаларда жами 45 нафар илмий изланувчи ва 32 нафар иқтидорли талаба иштирок этмоқда. Халқаро грант асосида юритилаётган 5 та илмий тадқиқот ишларига эса 43 нафар илмий изланувчи ва 40 дан ортиқ иқтидорли талабалар жалб этилган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 15 апрелдаги "Бухоро муҳандислик-технология институтини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига асосан Бухоро юқори технологиялар муҳандислик техника институти базасида институтимиз қайта ташкил этилган бўлиб, олийгоҳ машинасозлик, энергетика, электротехника, енгил саноат, кимё ва нефть-газ саноати, шунингдек, "Навоий" эркин индустриал иқтисодий зонаси ва "Жиззах" махсус индустриал зонасининг инновацияларга ва мутахассисларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда мутахассислар тайёрлашга ихтисослаштирилди. Шу боис талабалар, профессор-ўқитувчилар тегишли ишлаб чиқариш корхоналари билан шартнома асосида инновацион ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бугун бундай корхоналарнинг сони 42 тага етган.

Кафедралар қошида етук профессор-ўқитувчи, иқтидорли талабалар ва корхоналар вакилларидан иборат 30 дан ортиқ инновацион гуруҳ шаклланган. Ушбу инновацион гуруҳларда 86 нафар профессор-ўқитувчи, 48 нафар ишлаб чиқариш корхонаси вакили, 100 га яқин магистр ва бакалаврлар, 30 нафар катта илмий ходим-изланувчилар ва мустақил-изланувчилар бириктирилган. Улар мунтазам равишда республика миқёсида ўтказиладиган инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида фаол қатнашиб келмоқда. Биргина 2015 йил 19-21 май кунлари ўтказилган VIII ярмарканинг республика босқичида 168 миллион сўмлик 5 та шартнома имзоланди.

Жумладан, "Физика" кафедрасида мева, сабзавот ва полиз экинларига комплекс ва саноат чиқиндисига иккиламчи ишлов бериб озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологиясини яратиш бўйича олиб борилган илмий изланиш асосида қизил лавлаги, сабзи, ўрик, қораолу ва бошқа хомашёларни чиқиндисиз қайта ишлаш технологияси яратилди. Натижада бир вақтнинг ўзида экологик тоза камида уч хил маҳсулот олиш имконияти туғилди. Хусусан, табиий бўёқ, озиқ-овқат кукуни ва тиниқ шарбат олиш технологияси патентлаштирилиб, муаллифлик гувоҳномалари олинди. Пиёз пўстидан бўёқ олиш технологияси ҳамда юртимиздаги шифобахш ўсимликлардан фармацевтикада ишлатиладиган ва витаминлар қаторига кирувчи рибофлавин, рутин ва кверцетинлар олиш, шунингдек, қуёш энергиясидан фойдаланиб, сувни чучуклаштириш устида илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Маълумки, озиқ-овқат, енгил саноат, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ҳамда қурилиш-монтаж ишлари натижасида ҳосил бўладиган чиқиндилар атмосфера ҳавоси, экологик ҳолат ва инсонлар саломатлигига салбий таъсир кўрсатади. "Техника хавфсизлиги" кафедраси мутахассислари томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларининг бири — вилоят ҳудудида мавжуд чиқиндиларни тоифалаш ва улардан самарали фойдаланишнинг ресурс тежамкор технологияларини яратишга йўналтирилган. Аниқланишича, вилоятимизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида ҳосил бўладиган чиқиндилар йилига 0,6 миллион тоннани ташкил қилади. Уларнинг 28 фоизи ёғ экстракция корхоналарида, 17 фоизи пиво ишлаб чиқаришда, 21 фоизи вино ишлаб чиқариш чиқиндиси, 22 фоизи донни қайта ишлашда, 13 фоизи гўштни қайта ишлашда ҳосил бўлади. Ҳосил бўлган чиқиндиларнинг 0,7 фоизи қайта ишланади, холос.

Мутахассисларимиз илмий ишининг мақсади ҳам асосан ишлаб чиқариш чиқиндиларининг қайта ишланиши натижасида экологик тоза маҳсулотларни юзага келтириш ва атроф-муҳитга етказиладиган зарарларнинг даражасини камайтиришга эришиш ҳисобланади. Уларнинг илмий башоратига кўра, илмий тадқиқот муваффақиятли амалга оширилса, озиқ-овқат корхоналари чиқиндиларидан юқори протеинли қорамол, парранда ва балиқлар озуқалари ишлаб чиқарилиши, енгил саноат чиқиндиларидан саноат корхоналари, кимёвий заводларда қўлланиладиган экологик тоза хомашё яратилиши, тупроқ эрозияланишининг олди олинишига эришилиши кутилмоқда.

"Кимё" кафедрамизда биноларнинг эксплуатацион даври ошиши, шу билан бирга, тарихий обидаларнинг нураш тезлиги пасайишига хизмат қилувчи "Бино, иншоотларнинг шўрланиш ва намлик даражасини пасайтириш ҳамда олдини олиш" мавзусида илмий тадқиқот ишлари олиб борилаётган бўлса, "Электротехника" кафедрасининг катта илмий ходими М.Қаҳҳоровнинг "6-10 кВ тақсимловчи тармоқларда техник исрофларнинг автоматлаштирилган мониторинг тизимини яратиш ва амалиётга жорий этиш" инновацион лойиҳаси "Бухоро ҳудудий электр тармоқлар" АЖ корхонасида синов тариқасида татбиқ этилмоқда. Унга кўра, электр энергиясини тақсимловчи тармоқларда техник исрофларни ҳисоблашда "инсон омилини" тўла бартараф қиладиган автоматлаштирилган қайдлов тизими маълумотлари асосида аниқлайдиган ЭҲМ учун дастур ишлаб чиқилди. Электр тармоқларида тижорат исрофлари келиб чиқиш сабаблари ва қайд қилинмаган электр энергияси аниқланиб, дебитор қарзлар камайтирилишига эришилди.

Институтимизда илмий тадқиқот ишларини сифатли ва пухта ташкил этиш, ёш ўқитувчилар ва илмий ходимларнинг билим, малакасини оширишга эришиш мақсадида уларни хорижнинг нуфузли таълим муассасаларида доимий ҳаракатдаги стажировкасини ташкил этиш масалалари бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, сўнгги йилларда изланувчиларимиз Рейн-Вестфал Техника университети (Германия), Европа Дизайн институти (Италия), Неаполь Олий дизайн институти (Италия), Москва давлат дизайн ва технология университети (Россия), Хэбэйск Енгил саноат институти (Хитой), Чжэцзянск Фан ва технологиялар университети (Хитой), Лидс университети (Буюк Британия), Турин политехника институти (Италия), Мюнхен техника университети (Германия), Массачусетс технология институти (АҚШ), Милан техника университети (Италия) таълим муассасаларида бўлиб қайтишди.

> Мухтасар айтганда, институтимизда ёш мутахассислар, олимлар ва изланувчилар учун илмий-амалий, фундаментал ва инновацион лойиҳалар устида иш олиб бориши учун барча шарт-шароит яратилган. Умид қиламизки, бугун ишлаб чиқилаётган лойиҳалар яқин келажакда мамлакатимизнинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

**Насрулла САЪДУЛЛАЕВ,**
Бухоро муҳандислик-технология институтининг илмий ишлар бўйича проректори, техника фанлари доктори

# "ROISON HOME WHITE GOODS" ЖИЗЗАХДА

Давоми. Боши 1-бетда

Айниқса, иқтисодиётимизга сармоя жалб қилишнинг устувор йўналишлари изчил жорий этилиб, ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш борасида катта қулайлик ва имтиёзлар яратилаяпти. Булар ҳаммаси юртимизнинг барча жойларида бўлгани каби Жиззах воҳасида ҳам ишлаб чиқаришни кенг ривожлантириш имконини бермоқда.

Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 18 мартдаги "Жиззах" махсус индустриал зонасини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони воҳа саноат салоҳиятини оширишнинг янги босқичини бошлаб берди. Мазкур ҳуқуқий ҳужжат тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этган ҳолда рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасида барча қулайликлар яратилиши учун омил бўлди.

Яқинда "Жиззах" махсус индустриал зонасидаги корхоналар сони яна биттага ошди. Фаолият бошлаган "Roison Home White Goods" Ўзбекистон — Италия қўшма корхонаси йилига 100 минг дона музлаткич, 50 минг дона кондиционер, 50 минг дона кир ювиш машинаси, 100 минг дона газ плитаси, 100 минг дона "LED" телевизорлари, 50 минг дона чангютгич, 200 минг дона микротўлқинли печ ишлаб чиқариш қувватига эга. Мазкур корхонанинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар мамлакатимизда ишлаб чиқаришни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, хориж инвестициясини жалб этиш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга қаратилган тадбирларга тўхталиб ўтдилар. Шунингдек, "Жиззах" махсус индустриал зонасида фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш қувватларининг имкониятлари ва эришилаётган натижалар тилга олинди.







Янги корхона ташкил этилиши учун "Roison electronics" масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонаси 13,6 миллион АҚШ доллари, "Roison Home White Goods" қўшма корхонаси ва Буюк Британиянинг "Fortalia consult LLP" корхонасининг 7,9 миллион АҚШ доллари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг 5,1 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағлари сарфланди. Айни вақтда корхонанинг биринчи босқичи фойдаланишга топширилган бўлиб, 200 нафар ёш мутахассислар иш ўрнига эга бўлдилар. 2016 йилда корхонанинг ишлаб чиқариш имкониятлари кенгайтирилади ва иш ўринлари сони 140 тага ортади. Шу билан бирга, яқин орада "Жиззах" махсус индустриал зонасининг вилоятга тегишли ҳудудида яна иккита ишлаб чиқариш корхонасининг фаолияти йўлга қўйилиши мўлжалланмоқда. Чунончи, электр жиҳозлари, видео ва IP телефонлар, оптик толали тармоқлар учун интернет тезлигини оширувчи бутловчи қисмлар, телекоммуникация ускуналари, полипропилен ип ва гилам ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

**Муқимбой ИСМОИЛОВ**
"Adolat" мухбири

➢ **"Ёш адолатчилар" қаноти фаолиятидан**

Жалақудуқ туманидаги "Кимёгар" агрофирмасининг маъмурий биноси атрофи чароғон бўлиб байрамона қиёфа касб этди. Бундай имкониятга балиқчилик ёш ихтирочилар томонидан яратилган экопалмаларнинг ўрнатилиши натижасида эришилди.



# Ёш ихтирочиларнинг

## инновацион лойиҳалари амалда

Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг муқобил энергия манбаларидан кенг фойдаланишга оид дастурий мақсад ва вазифалари амалиётга изчил татбиқ этилмоқда. Буни иш жойларидан ташқари, аҳоли яшаш хонадонларида қуёшдан қувват олиб ишловчи воситалардан фойдаланиш кенгайиб бораётгани ҳам яққол кўрсатиб турибди. Айни шу мақсадга қаратилган инновацион лойиҳаларнинг амалиётга татбиқ этилаётгани янада қувонарлидир.

Бугунги кунда Андижон вилоятида муқобил энергия манбаларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Балиқчи туманидаги индустриал-педагогика касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Шаҳризод Мусабоев ҳам бу борада изланиб, ташаббуслар билан чиқмоқда. Унинг болаликдан техникага қизиқиши баланд эди. 8 ёшида яратган ўйинчоқ машина моделларини кўриб, оиласидагилар унинг келажагига умид боғлаганди.

Ёш ихтирочи ҳали ўрта мактабни тамомламай туриб ўз ихтиролари билан устозлари ва мутахассислар эътиборини қозона бошлади. Айниқса, унинг муқобил энергия асосида ишловчи дастлабки қурилмалари ижобий баҳоланди. Бу ишланмаларнинг кўриниши ва дизайни замонавий тузилишга эгалиги эътиборга молик.

Якунланган 2015 йилда Шаҳризоднинг изланишлари ўз баҳосини топди. "Камолот" ЁИҲ томонидан ўтказилган "Юрт келажаги" республика иқтидорли ёшлар танловида у ғолиблар қаторидан ўрин олди. "Фидойи фарзандингман" , "Менинг бизнес ғоям", "Ватан тараққиётига менинг ҳиссам", "Янги нигоҳ" каби танловлар ва "Биз келажакка ишонамиз!" ёшлар форумида ҳам фаол иштирок этиб, ғолибликка эришди. VIII Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасининг республика босқичида Ш.Мусабоевнинг қуёш батареясига мослаштирилган бир неча турдаги электрон қурилмалари алоҳида эътироф этилди.

— 2015 йил ҳаётимда унутилмас бўлиб қолди, — дейди Шаҳризод. — Кўпдан буён ихтирочи сифатида фаолиятимни кенгайтириш ва бизнес бўйича ўзимни синаб кўришни орзу қилардим. Ана шу мақсадда "Chaxrizod best invest" масъулияти чекланган жамиятини ташкил этдим. Ҳозирда корхонамизда электр лампа, қуёш панелли ёритқич, электрон чодир, ёритқичли кўзгу, божхона хизмати ходимлари хизматда фойдаланадиган автомобиллар остини назоратдан ўтказувчи қурилма каби ўндан ортиқ лойиҳалар асосида ишлаяпмиз. Муқобил энергия билан таъминловчи маҳсулотларимизга талаб ортиб бормоқда. Уларнинг қулайлиги шундаки, кундузи қуёшдан қувват олиб, кеча-кундуз электр энергияси етказиб беради.

Ўтган икки ой мобайнида ёш ихтирочилар корхона ва ташкилотлар билан 40 миллион сўмлик шартнома имзоладилар. Кунига 7 та қуёш панелли ёритқич ва 3 та экопалма яратаётган 5 нафар ёшлардан иборат жамоанинг катта режалари бор. Жорий йилда ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига яна 6 та янги иш ўрни яратилади. Жамоа аъзолари ўз маҳсулотларини ички бозорда сотишдан ташқари экспорт қилиш учун тинимсиз изланмоқдалар.

— Вилоятимизда иқтидорли ёшлар кўпчиликни ташкил этади, — дейди Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят кенгаши "Ёш адолатчилар" қаноти етакчиси Дилмуроджон Собиров. — Ихтирочи ёшлар томонидан яратилаётган тежамкор қурилмалар иқтисодиётимизнинг юксалишига хизмат қилиши билан бир вақтда илм-фан ривожининг ифодаси бўлмоқда.

**Акбаржон НАЗАРОВ,**
«Adolat» мухбири

**➢ Қарор ва ижро**

Президентимиз тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан 2015 йил 3 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарор инсонпарварликнинг, халқимизга хос бағрикенглик ва кечиримлилик фазилатларининг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

## ЮКСАК БАҒРИКЕНГЛИК ИФОДАСИ

Ушбу ҳужжатда аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшдан ошган эркаклар, чет давлатлар фуқаролари, қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликларга чалинган деб топилган шахслар, ногиронлар, оғир бўлмаган жиноят содир этганларни жазодан озод этиш кўзда тутилган. Айни пайтда жойларда ушбу қарор ижроси таъминланмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасида бир гуруҳ маҳкумларга нисбатан мазкур амнистия акти қўлланилиб, жазодан озод этилди.

Тадбирда Президентимиз раҳнамолигида барча соҳаларда, хусусан, суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, аввало, инсон манфаатларини таъминлашга, инсонпарварлик, меҳр-шафқат ва бағрикенглик тамойилларини мустаҳкам қарор топтиришга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Жазодан озод этилганлар орасида Ҳакимбек Гулманов ҳам бор.

— Билиб-билмай қилган хатоимни кечириб, афв этилганимдан ниҳоятда хурсандман, — дейди Ҳакимбек. — Бунинг учун Президентимиздан беҳад миннатдорман. Бугун оилам учун ҳам, фарзандларим учун ҳам энг қувончли кун бўлди. Энди тўғри яшаб, мамлакатимизда яратилаётган шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланиш, эл-юртга наф келтирадиган юмуш билан шуғулланишга сўз бераман.

Қорақалпоғистон Республикасида жазони ижро этиш жойларидан қайтиши кутилаётган шахсларнинг жамиятга мослашишига имконият бериш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, иш билан таъминлаш, ёлғиз ва ёрдамга муҳтожларга тегишли кўмак бериш, вояга етмаганлар ўз ота-оналари ёки васийлик органларининг назоратига топширилиши, тиббий ёрдамга муҳтожларга соғлиғини тиклаши учун шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**А.ОРТИҚБОЕВ,**
ЎзА мухбири

# ИШОНЧГА КИРГАН ҚАЛЛОБ

## жавобгарликдан қочиб қутула олмади

**➢ Жиноятга жазо муқаррар**

... Даврон (мақоладаги барча исм-фамилиялар ўзгартирилган) иш юзасидан Пойариқ туманига борганида таниши Ўткирни учратиб қолди. Суҳбат асносида Ўткир "Малибу" русумли автомашина сотиб олиш нияти борлигини айтиб, ёрдам сўради. Даврон дўст-биродарларидан, жумладан, Самариддин Қамбаровдан ҳам сотиладиган машина бор-йўқлигини суриштириб кўрди.



Самариддин иш билан Самарқандга бораётганини айтди. Эртасига Даврон билан Ўткир Самарқанд шаҳрида Самариддин ва унинг таниши Маҳмудни кутиб олишди. Самариддин идорага кириб кетган маҳал ўзаро суҳбат пайти Маҳмуд Ўткирнинг машина олмоқчи эканлигини эшитгач, қанча пули борлигини сўради. Ўткир "25 минг доллар" деб жавоб берди.

— Агар олмоқчи бўлсангиз, ана, ўзимнинг машинамни сотишим мумкин, — деб Маҳмуд йўл четида турган "Каптива"ни кўрсатди.

Машинани кўздан кечирган Ўткир унинг нархи 35 минг АҚШ доллари эканлигини эшитгач, сўмда келишишни таклиф қилди. Машина эгаси розилик бермади. Идорадан чиққан Самариддин улар томон кела бошлади. Буни кўрган Маҳмуд гапни бошқа томонга бурди.

Самариддин билан Маҳмуд Тошкентга қайтиб кетишди. Орадан бир неча кун ўтиб, Даврон Тоштемиров Тошкентга келганида Маҳмуд Бобоқулов билан учрашиб, ўша "Каптива" машинасини яна кўздан кечирди. М.Бобоқулов унга Ўткирнинг пули тайёр бўлса тезроқ ҳаракат қилишини, ўзига пул зарурлигини, "Прадо" автомашинасини гаплашиб қўйганлигини айтди.

Даврон эса Ўткирга қўнғироқ қилади: "Маҳмуд 25 минг долларга рози бўлди. Пулнинг қолган қисмини кейинчалик берарқансиз".

Бу воқеа ўтган йилнинг 4 февраль куни содир бўлган эди. Олувчига ҳам, сотувчига ҳам қулай бўлиши учун улар "Тошкент — Зарафшон" трактининг Жиззах вилояти ҳудудида учрашишга келишади.

Улар Дўстлик тумани "Манас" ЙПХ маскани яқинида учрашишади. "Каптива" машинаси ичида Маҳмуднинг шериги, ўзини Мансур Иброҳимов деб таништирган йигит ҳам ўтирарди. Машина нархи 33 минг 500 АҚШ долларига туширилади. Ўткир 25 минг АҚШ доллари берадиган, қолган 8 минг 500 АҚШ долларини икки ой ичида тўлашга оғзаки келишилади.

Харидор автомашинанинг транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномасини кўздан кечирганда, унинг юқори қисмида МЧЖнинг номи қайд этилганлиги аён бўлади. Буни кўргач Ўткир машинани олишни ҳам, олмасликни ҳам ўйлаб, иккиланиб қолади.

— Фирма ҳам ўзимники, машина ҳам, — дейди пулни олган Маҳмуд. — Машинани сизнинг номингизга нотариал тартибда расмийлаштириб бераман. Лекин ҳозир вақт зиқ. Уйимда мен сотиб олаётган "Прадо"нинг эгаси пулни кутиб ўтирибди.

Маҳмуд МЧЖ муҳри ва тамғаси босилган тоза қоғоз олиб, Ўткир Қаландаров номига машинани бошқариш ҳуқуқини берувчи ишончнома ёзади. Ўз навбатида, Ўткир бундай ишончнома автомашинага мулк ҳуқуқини берувчи ҳужжат бўлолмаслигини айтиб, норозилик билдиради. У олди-сотди шартномасини нотариал тартибда расмийлаштириб беришни сўрайди. Акс ҳолда пулни қайтаришни талаб қилади.

— У ҳолда Тошкентга бирга борамиз, — дейди М.Бобоқулов. — Машинанинг ҳужжатлари тўлиқ эмас. Бир-икки кунда нотариал тартибда расмийлаштириб бераман, ундан кейин уйингизга ҳайдаб қайтасиз.

Улар йўлга тушишади. Тошкентга етиб боришгач, Маҳмуд Ўткирга ҳужжатларни эртага тайёрлаб беришини айтиб, Қўйлиқ мавзесида машинадан тушириб кетади...

Харидор билан сотувчи эртасига соат ўн еттиларда яна учрашишади. М.Бобоқулов ҳозир машинани расмийлаштириш мавриди эмаслигини, кутиб туриш кераклигини айтади. Бу жавобдан буткул эсанкираб қолган Ўткир пулни қайтаришни талаб қилади. М.Бобоқулов пулни сарфлаб қўйганини айтади.

Кейинроқ кўришишга ваъда берган М.Бобоқулов шундан сўнг Ўткирнинг қўнғироқларига жавоб қайтармайди, излаб борганида тутқич бермайди. "Каптива"ни эса яшириб қўяди.

Дарвоқе, автомашина тегишли масъулияти чекланган жамият 2011 йилнинг 4 апрелида таъсис этилган. Ун маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва тегирмон хизмати кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи ушбу жамият таъсисчиларидан бири — Самариддин Қамбаров. У жамиятнинг ишлаб чиқариш ва ташкилий-бошқарув фаолияти раҳбари. МЧЖ ташкил этилиб, фаолият юрита бошлагач, М.Бобоқулов корхонанинг мижозига айланган. Тегирмон хизматидан доимий фойдаланиб келган. Ҳалол ва садоқатли инсон сифатида С.Қамбаровнинг ишончига кирган. С.Қамбаров 2013 йил августда жамият ҳисобида турган тегирмонни банк муассасасига гаровга қўяди. Банкка ўттиз фоиз тўловни олдиндан тўлаб, қолган фоиз ва асосий қарзни уч йил давомида тўлаш шарти билан сентябрь ойида "Каптива" ва "Кобалт" русумли иккита автомашинани кредит ҳисобига сотиб олади. Автомашиналар автосалондан чиқарилаётганда С.Қамбаров "Каптива"ни М.Бобоқуловга ишончнома билан бошқаришга расмийлаштириб беради. Қарангки, МЧЖга алоқаси йўқ, бирон-бир вазифада ишлаши расмийлаштирилмаган М.Бобоқуловга С.Қамбаров қаттиқ ишонган. Ҳаттоки, ишончномадаги қўлёзма матнини ҳам унинг ўзи ёзган. Автомашиналарнинг ойлик банк тўловларини М.Бобоқулов тўлаб борган. Демак, кредит маблағи тўлиқ ёпилмай, банк рухсати билан автомашиналар нотариал идора орқали тақиқдан чиқарилмагунча уларни олди-сотди шартномаси асосида сотиб бўлмайди.

Ўзгалар ҳисобидан кун кечириш, текинхўрлик Маҳмуд Бобоқуловни ана шундай жиноят йўлига бошлаган. У Ў.Қаландаров билан бир йўла фуқаровий даъвогар С.Қамбаровнинг ҳам ишончини топтаган. Гапнинг қисқаси, М.Бобоқулов МЧЖга тегишли бўлган ва унга ишончнома асосида бошқариш учун берилган "Каптива"ни ўзига тегишли деб алдаб, Ў.Қаландаровнинг ишончига кириб, 25 минг АҚШ доллари миқдоридаги пулини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган. МЧЖга тегишли юмалоқ муҳр босилган бланкаларни қонунга хилоф равишда эгаллаган. Автомашинани ўзлаштирган. Шу тариқа ушбу автомашинага тегишли ўта муҳим аҳамиятга эга транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномаси ва давлат рақами белгисини яшириб қўйган.

Судланувчи М.Бобоқулов ўзининг юқоридаги жиноий қилмишлари билан Жиноят кодексининг тегишли моддаларида назарда тутилган жиноятларни қасддан содир қилганликда айбли, деб топилди. Суд судланувчи М.Бобоқуловни мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан уч йилга маҳрум этди. Судланувчига айбланган ҳар бир модда бўйича алоҳида-алоҳида жазо тайинлаб, узил-кесил ўташ учун олти йилу олти ой муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм чиқарди. Судланувчидан жабрланувчи Ў.Қаландаров фойдасига 55 миллион 916 минг 500 сўм зарар ундирилиши суд ҳукмида қайд этилди. "Каптива" русумли автомашинани топиб, МЧЖга келтириш Тошкент вилоят ИИБ йўл ҳаракат хавфсизлиги бошқармаси зиммасига юклатилди.

Ушбу жиноят тафсилотларини таҳлил қилганда киши кўнглидан ишонч нақадар юксак туйғу деган фикр кечади. Дарҳақиқат, ишонч одамлар ўртасидаги ўзаро кўприк. У ҳамжиҳатлик ва меҳр-оқибат белгиси. Унинг топталиши, умидларнинг сароб бўлиши жабрланувчига нафақат моддий, балки қаттиқ руҳий зарба беради. Бунга юқорида гувоҳ бўлдик.

Судланувчи М.Бобоқулов ўзининг жиноий қилмишлари билан ҳеч нарсага эришмади. Аксинча, у фирибгарлик ва бошқа ўзи содир этган қатор жиноий қилмишлари билан фуқаролар ишончини поймол этди. Жиноятга эса жазо муқаррардир.

**Акмал ЎРИНОВ,**
жиноят ишлари бўйича
Дўстлик туман судининг раиси,
**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
журналист


Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва кичик бизнес субъектлари диққатига!

Reklama

# ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ОБЪЕКТЛАРИ НОМИ:

**1. «Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги туман тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш ишлари (90 ўринли терапия бўлинмасини қурилиши ва бошқа объектлари)».**
Бошланғич нархи: ***2 691 820 749 сўм ҚҚС билан; 2 243 183 957 сўм ҚҚСсиз.***

**2. «Фарғона вилояти Бағдод туманидаги туман тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш ишлари (бошқа объектларини фойдаланишга топшириши билан)».**
Бошланғич нархи: ***4 803 899 953 сўм ҚҚС билан; 4 003 249 960 сўм ҚҚСсиз.***

**3. «Фарғона вилояти Қўқон шаҳардаги 2-сонли вилоят руҳий касалликлар шифохонасини реконструкция қилиш ишлари (120 ўринли даволаш бўлинмасини реконструкция қилиш ишлари ва бошқа объектларини фойдаланишга топшириши билан)».**
Бошланғич нархи: ***3 362 459 859 сўм ҚҚС билан; 2 802 049 882 сўм ҚҚСсиз.***

**4. «Фарғона вилояти Сўх туманидаги туман тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш ишлари (30 ўринли болалар бўлинмаси қурилиши ва бошқа объектларни мукаммал таъмирлаш)».**
Бошланғич нархи: ***2 223 352 792 сўм ҚҚС билан; 1 852 793 993 сўм ҚҚСсиз.***

**5. «Фарғона вилояти Учкўприк туманидаги туман тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш ишлари (30 ўринли ШТЁБни мукаммал таъмирлаш, 30 ўринли жарроҳлик бўлими ва бошқа объектларини мукаммал таъмирлаш)».**
Бошланғич нархи: ***2 692 038 002 сўм ҚҚС билан; 2 243 365 002 сўм ҚҚСсиз.***

**6. «Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги туман тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш ишлари (70 ўринли болалар бўлинмаси қурилиши, 300 қатновли кўп тармоқли поликлиникани мукаммал таъмирлаш ва бошқа объектлари)».**
Бошланғич нархи: ***4 865 493 104 сўм ҚҚС билан; 4 054 577 586 сўм ҚҚСсиз.***

**7. «Фарғона вилояти Фурқат туманидаги туман тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш ишлари (40 ўринли терапия бўлинмаси қурилиши, 45 ўринли болалар бўлинмаси ва бошқа объектлари)».**
Бошланғич нархи: ***3 471 639 968 сўм ҚҚС билан; 2 893 033 307 сўм ҚҚСсиз.***

8. ЛОТ — 8.

**ЛОТ 8.1. «Фарғона вилояти Учкўприк туманидаги 43-сонли мактабни реконструкция қилиш ишлари (120 ўқувчи ўринли ўқув блоки қурилиши билан)».**
*Бошланғич нархи:* ***985 241 873 сўм ҚҚС билан; 821 034 894 сўм ҚҚСсиз.***

**ЛОТ 8.2. «Фарғона вилояти Фурқат туманидаги 7-сонли мактабни реконструкция қилиш ишлари (9x18 м спортзал ва 120 ўқувчи ўринли ўқув блоки қурилиши билан)».**
*Бошланғич нархи:* ***1 171 685 890 сўм ҚҚС билан; 976 404 908 сўм ҚҚСсиз.***

9. ЛОТ — 9

**ЛОТ 9.1. «Фарғона вилояти Қўштепа туманидаги 38-сонли мактабни реконструкция қилиш ишлари (80 ўқув ўринли ўқув блоки қурилиши билан)».**
***Бошланғич нархи:*** *712 855 258 сўм ҚҚС билан;* ***594 046 048 сўм ҚҚСсиз.***

**ЛОТ 9.2. «Фарғона вилояти Тошлоқ туманидаги 29-сонли мактабни реконструкция қилиш ишлари (120 ўқув ўринли ўқув блоки қурилиши билан)».**
***Бошланғич нархи: 731 948 671 сўм ҚҚС билан; 609 957 225 сўм ҚҚСсиз.***

**ЛОТ 9.3. «Фарғона вилояти Бағдод туманидаги 88-сонли махсус мактаб-интернатни реконструкция қилиш ишлари».**
***Бошланғич нархи: 614 364 476 сўм ҚҚС билан; 511 970 397 сўм ҚҚСсиз.***

10. ЛОТ — 10

**ЛОТ-10.1. «Фарғона вилояти Тошлоқ туманидаги 44-сонли мактабни реконструкция қилиш ишлари (210 ўқув ўринли ўқув блоки қурилиши билан)».**
*Бошланғич нархи:* ***833 512 048 сўм ҚҚС билан; 694 593 373 сўм ҚҚСсиз.***

**ЛОТ-10.2. «Фарғона вилояти Қува туманидаги 25-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш».**
***Бошланғич нархи: 664 239 714 сўм ҚҚС билан; 553 533 095 сўм ҚҚСсиз.***

11. ЛОТ — 11

**ЛОТ-11.1. «Фарғона вилояти Бувайда туманидаги туман тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш ишлари (бошқа объектларни мукаммал таъмирлаш ва фойдаланишга топшириш)».**
***Бошланғич нархи: 1 446 955 771 сўм ҚҚС билан; 1 205 796 476 сўм ҚҚСсиз.***

**ЛОТ-11.2. «Фарғона вилояти Фарғона шаҳридаги 1-сонли вилоят руҳий касалликлар шифохонасини мукаммал таъмирлаш (50 қатновли поликлиникани мукаммал таъмирлаш)».**
*Бошланғич нархи* ***1 029 714 053 сўм ҚҚС билан; 858 095 044 сўм ҚҚСсиз.***

12. ЛОТ — 12

**ЛОТ-12.1. «Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги Иқтисодиёт ва коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежини реконструкция қилиш ишлари (60 ўқувчи ўринли ўқув устахона биносини янги қурилиши)».**
Бошланғич нархи: **1 150 191 441 сўм ҚҚС билан, 958 492 867 сўм ҚҚСсиз.**

**ЛОТ-12.2. «Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги Қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежини мукаммал таъмирлаш».**
Бошланғич нархи: **480 633 457 сўм ҚҚС билан; 400 527 881 сўм ҚҚСсиз.**

***Юқоридаги объектларнинг топшириш муддати: 01.08.2016 йил.***

*Манзил: Фарғона шаҳар Темирйўл кўчаси 37-уй, тел.(0 595) -401-52-05.401-52-01.*

Қурилиш-монтаж ишлари: **Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.**

***Капитал таъмирлаш объектлари бўйича кичик бизнес субъектлари учун квота ўлчови — 100%.***

Давлат бюджет маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган 500 миллион сўмдан юқори бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектларига ўтказиладиган танлов савдолари иштирокчиларининг тижорат таклифлари тенг баҳоланганда, кичик бизнес субъектларига имтиёзлар берилади.

***Танлов савдосида фақат Давлат реестрига киритилган пудрат ташкилотлари иштирок этади.***

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак:

ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

*Фарғона шаҳри,* ал-Фарғоний кўчаси 36-*уй,*
*телефон/факс:0 373-244-68-90,998-98-276-25-48*

*Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 100 000 сўм.*

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда офертaларни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин (куни ва вақти хабарнома орқали маълум қилинади) *Фарғона шаҳри,* ал-Фарғоний кўчаси 36-уй манзилда ўтказилади.

# ФАУНА ВА ФЛОРА
## ҳаётимиз манбаидир

**11 январь — Қўриқхона ва миллий боғлар куни**

**Чексиз коинотда сузиб юрган мовий сайёрамиз улкан галактикага нисбатан чанг заррасидек кичик ўлчамга эга. Боз устига, агар у Қуёшга жиндек яқинлашса куйиб кетиши, арзимас масофага узоқлашса музлаб қолиши эҳтимолдан холи эмас. Бир ёнда тафтли-ҳароратли Қуёш, бир томон чексиз коинот. Ер шари шу оралиқда ўз йўналишидан заррача оғишмай йўл босади.**

Маълумки, БМТ Бош Ассамблеясининг 2009 йил 1 майидаги 63-сессиясида қабул қилинган резолюциясида Ер ва унинг экотизими инсониятнинг уйи эканлиги, сайёрамиздаги барча мамлакатлар ва уларда яшаётган аҳоли ҳамда жонзотларнинг Ер билан боғлиқ манфаатлари муштараклиги, ҳозирги ва келгуси авлодларнинг иқтисодий, ижтимоий ҳамда экологик эҳтиёжлари орасидаги адолатли мутаносибликка эришиш мақсадида она замин уйғунлигини сақлаб қолиш лозимлиги белгилаб қўйилган. Бу ортиқча изоҳ талаб этмайди. Чунки техника ва технология, саноат юқори даражада ривожланган XXI асрга келиб экология, биохилмахилликни асраш, табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муаммолар бир минтақа ёки бир мамлакатгина эмас, балки барча қитъаларга ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Мутахассисларнинг айтишича, табиатда турларнинг ривожи бамисоли занжирдек бирбири билан чамбарчас боғланган бўлиб, улар ўзаро яхлит экотизимни ташкил этади. Ҳатто бир гиёҳнинг йўқолиши ҳам яшил оламнинг мувозанати бузилишига олиб келади.

Албатта, кишилик жамияти тараққиётининг барча босқичларида сайёрамиз табиий бойликлари, ҳайвонот ва наботот олами инсон ҳаётий фаолияти учун зарур эҳтиёж манбаи бўлиб келган. Аммо табиий ресурслардан ҳаддан зиёд фойдаланиш, атроф-муҳитга антропоген таъсирларнинг ортиши, инсон ва табиат ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши экотизимга таҳдидларни юзага келтириши билан бирга, инсоният ҳаётига ҳам жиддий хавф туғдира бошлади. Буни сайёрамизда инсон томонидан ҳосил қилинган чиқинди миқдори табиий пайдо бўладиган миқдорга нисбатан 2 минг баробар кўплиги, ҳайдаладиган ерларнинг 40 фоиздан ортиғи ирригация ва мелиорация ишларида хатоликларга йўл қўйилгани сабабли деградацияга учраб, зироатчилик, қишлоқ хўжалиги экинлари етиштириш учун мутлақ ярокcиз ҳолга келтирилганидан ҳам англаш мумкин.

Дарҳақиқат, инсон фаолияти таъсирида фауна ва флоранинг табиий кўпаядиган ҳудудлари тобора қисқариб бориши, қолаверса, табиатга нисбатан ноoқилона муносабатда бўлиш оқибатида дунё бўйича олтмиш мингга яқин ўсимлик, етти мингдан ортиқ ҳайвон турлари йўқолиб кетиш арафасида тургани ҳам мавзу долзарблигидан далолат беради.

Сайёрамизда экологик барқарорликни таъминлаш, биологик хилма-хилликни сақлаш, атроф-муҳит мусаффолигига эришишда эса миллий табиат боғлари ва қўриқхоналарнинг алоҳида ўрни бор.

Мафтункор юртимизда ўсимликларнинг 4 ярим мингга яқин тури ўсади. Биологик ва ландшафт ранг-баранглиги ҳам асосий миллий бойликларимиздан саналади. Умуртқали ҳайвонларнинг фаунаси 105 турдаги сут эмизувчилар, 441 турдаги қушлар, 60 турдаги судралиб юрувчилар, уч турдаги ҳам сувда, ҳам қуруқликда яшайдиган жониворлар ва 76 турдаги балиқларни ташкил этса, умуртқасизлар фаунаси ўн беш минг турга етган.

Бетакрор табиатимиз ва ундаги биохилма-хилликни тўлиқ муҳофаза этиш, уларни қайта тиклаш ва кўпайтириш ишлари муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда амалга оширилмоқда. Айни вақтда республикамизда 8 та давлат қўриқхонаси (Чотқол, Зомин, Нурота, Ҳисор, Китоб, Сурхон, Зарафшон, Қизилқум), 2 та миллий табиат боғи (Угом-Чотқол миллий табиат боғи, Зомин миллий табиат боғи), 1 та давлат биосфера резервати (Қуйи Амударё давлат биосфера резервати), 13 та давлат буюртмахоналари, 7 та давлат табиат ёдгорлиги ва ҳайвонларни кўпайтиришга мўлжалланган 3 та табиий питомник ("Жайрон" экомарказии ҳамда Бухоро ва Навоий вилоятларида жойлашган 2 та йўрға-тувалоқ парваришлаш питомниги) фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, 83 та маҳаллий аҳамиятга эга муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар мавжуд. Бу ҳудудларда миллий ҳамда халқаро "Қизил китоб"ларга киритилган 181 турдаги ҳайвон, 400 турдаги ўсимлик давлат муҳофазасига олинган.

Бугунги кунда қўриқхоналар ва миллий табиат боғлари ходимлари нафақат ўз ҳудудидаги табиий бойликларни асраш, балки аҳоли ўртасида муҳофаза этиладиган табиат бойликларининг инсон учун нечоғли муҳимлигини тушунтириш, атроф-муҳит озодалиги ва биохилма-хилликни сақлаш билан боғлиқ тарғибот-ташвиқот ишларини ҳам олиб бораётгани таҳсинга лойиқ.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, халқимиз азал-азалдан табиатга, бутун борлиққа, ундаги ҳайвонот ва наботот оламига алоҳида эътибор қаратиб, табиий неъматлардан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилиб келган. Мисол учун, дарахт экиш ва боғ яратиш ҳам ўзбекнинг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган қадриятларидан бири саналади.



**Партия Ўзбекистон Экологик ҳаракати билан атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш, ҳайвонот олами ва ўсимлик дунёси дахлсизлигини таъминлаш, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларда яқиндан ҳамкорлик қилади.**

*Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Сайловолди дастуридан*

Эзгу қадриятларимизга ҳамоҳанг тарзда истиқлол йилларида мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилишга, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраб-авайлашга, табиий ресурсларга нисбатан оқилона муносабатда бўлишга эътибор қаратиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50 ва 55-моддаларида "Фуқаролар атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар", "Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир", дея белгилаб қўйилган. Шунингдек, халқаро меъёрларга жавоб берадиган соҳага оид йигирмадан ортиқ қонун ва 150 га яқин қонуности ҳуқуқий-норматив ҳужжатлари ҳаётга татбиқ этилди. "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги, "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги, "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонунлар ана шулар жумласидандир.

Бугунги кунда миллий экологик қонунчиликни ривожлантириш баробарида, Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш дастури, Тараққиёт дастури ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Ўтган давр мобайнида мамлакатимиз атроф-муҳит муҳофазаси бўйича йигирмадан ортиқ конвенция ва халқаро шартномаларга қўшилгани бунинг тасдиғидир.

Атроф-муҳит муҳофазасига қаратилган вазифаларни бажаришда давлат ташкилотлари билан бир қаторда жамоат бирлашмалари ва фуқаролик жамияти институтлари ҳам фаол иштирок этмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Экологик ҳаракати бугун том маънода мустақил юртимизда фаолият юритаётган энг фаол жамоат ташкилотларидан бирига айланди.

Республикамизда экологик муаммолар ва атроф-муҳит муҳофазасидаги лоқайдликларга барҳам бериш, атроф-муҳит муҳофазаси ва экологик ҳолатни соғломлаштириш ишида жамоатчилик иштирокининг фаоллигини ҳар томонлама кучайтириш, бу борада қабул қилинган қонунлар ҳамда қарорлар ижросини таъминлаш Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг бош мақсадидир. Шунингдек, соҳадаги қонунчиликни ривожлантириш ва такомиллаштиришга кўмаклашиш бўйича тизимли ишларни юритиш, атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасида қабул қилинган ҳужжатларни ижро этишда давлат органлари, жамоатчилик ва бошқа тузилмаларнинг масъулиятини ошириш, аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, экологик таълим ва тарбия тизимини ривожлантириш, атроф-муҳит муҳофазаси давлат, жамият ва ҳар бир фуқаронинг вазифаси бўлишига эришиш ҳам Экоҳаракатнинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Республикамизда атроф-муҳит муҳофазасига оид долзарб масалалар ечимини топишда сиёсий партиялар ҳам фаол иштирок этмоқда. Хусусан, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси иқтисодиётнинг экологик жиҳатдан мутаносиб ривожланиши тарафдори ва экологик муаммоларни ҳал этишда ўз саъй-ҳаракатларини, биринчи навбатда, ушбу муаммоларнинг иқтисодий жиҳатларига қаратади. Барча экологик муаммоларни ва у билан боғлиқ фуқаролар саломатлигини ҳимоя қилиш масалаларини фақат Давлат бюджетига юклаш тўғри бўлмайди, деб ҳисоблайди. Партия Ўзбекистон Экологик ҳаракати билан атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш, ҳайвонот олами ва ўсимлик дунёси дахлсизлигини таъминлаш, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларда яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзбекистон "Адолат" СДП Сайловолди дастурида иқтисодий лойиҳаларнинг экологик экспертизасини кучайтириш, унинг очиқ ва ошкоралигини таъминлаш, бу ишга ННТ, илмий жамоатчилик, депутатлик корпусини кенг жалб этиш лозимлиги ҳам белгилаб қўйилган.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, она табиатга одилона муносабатда бўлиш, фауна ва флора оламини асраб-авайлаш, келажак авлодга табиат бойликларини бус-бутун етказиш, экологик муаммоларни бартараф этишга ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

**Суюндик МАМИРОВ**
«Adolat» мухбири

# Инновацион технологиялар:
## йил ютуқлари, янги режалар

**Интеллектуал бойлик ва тафаккур ҳукмронлик қилаётган XXI асримизнинг яна бир йили ортда қолди. Мутахассислар 2015 йил илм-фан тараққиётида, хусусан, инновацион технологиялар кескин суръатлар ила ривожланишида ўзига хос йил бўлиб қолганлигини таъкидлашмоқда.**

**Келинг, йил мобайнида соҳада эришилган оламшумул янгиликларнинг айримларини эслаб ўтайлик.**

### Йилнинг энг фойдали ва антиқа гаджетлари:

– Испанияда ишлатиб бўлинганидан сўнг ўз-ўзидан биологик парчаланиб кетадиган телевизор пульти яратилди;

– соғлом турмуш тарзини маъқул кўрувчиларга қачон суюқлик ичиш лозимлигини билдириб турадиган смарт-шишалар истеъмолга киритилди;

– 25 жиҳознинг ўрнини босишга қодир кўп вазифали билагузук ишлаб чиқарила бошланди;

– оддийгина шам ёрдамида смартфонни қувватлантира оладиган қурилма сайёҳларга жуда қўл келди;

– япон муҳандислари планшет катталигидаги, яъни оддий сумкага жойлаб юрса бўладиган футуристик транспорт воситасини яратдилар;

– швейцариялик тадқиқотчилар дунёдаги энг юпқа, аниқроғи, пайпоқ қалинлигидаги пойабзал ишлаб чиқдилар;

– энди футбол тўпига сув таъсир кўрсатолмайдиган бўлди;

– бир фотоаппаратга 16 та объектив ўрнатиш имконияти яратилди;

– Стэнфорд олимлари ташқи таъсирларга таъсирчан сунъий тери кашф қилдилар.

### Бизни ҳайратга солган темиртанлар:

– Америкалик олимлар роботни жаз мусиқасига рақсга тушишга ўргатишди;

– Билл Гейтс қачон роботлардан эҳтиёт бўлиш лозимлигини айтаркан, ҳозирча инсоннинг мангу яшаши масаласи кун тартибига қўйилмай тургани мақбулроқ эканлигини таъкидлади;

– роботлар YouTube роликлари ёрдамида турли таомлар тайёрлашни ўргандилар;

– кунчиқар мамлакат вакиллари ўзларининг Sony фирмаси ишлаб чиқарган садоқатли робот-итларини ибодатхоналарда тегишли расм-русумларни адо этганларидан кейингина дафн этишга ўтдилар;

– немис муҳандислари капалак ва чумоли кўринишларидаги роботларини намойиш қилдилар;

– Токиода мижозларга фақат роботлар хизмат кўрсатадиган дунёдаги биринчи меҳмонхона ишга тушди;

– робот-гепард тўсиқлардан сакраб ўта олиш маҳоратини намойиш этди;

– ҳиссиётларга эга роботлар (Pepper)нинг биринчи партияси бир дақиқа ичида сотилиб кетди;

– олимлар кейинги авлоди олдингисига нисбатан мукаммалроқ бўлган робот-болаларни яратадиган она-роботларни ишлаб чиқдилар.

### Илмий кашфиётлар:

– Финляндияда фотоэлементлардан иборат "барг"ларга эга сунъий дарахт яратилди;

– австриялик олимлар 4D-принтер технологиясига патент олишди;

– америкалик олимлар эса сувда ишлайдиган робот муаллифларига айланишди;

– кимёгарлар ҳаводан углерод нанотолаларини ола бошладилар;

– америкалик олимлар одамни кўринмас қилиб қўядиган плаш яратдилар.

### Ғаройиб видеотасвирлар:

– тиниб-тинчимас японлар 300 смартфон ва планшетни хор бўлиб Бетховеннинг "Шодликка қасида" қўшиғини ижро этишга мажбур қилишди;

– чаналарда Санта-Клаус ўрнига роботлар келишди...

### Хўш, 2016 йилда қандай инновацион кашфиётлар кутамиз:

– Levi's и Google электрон либослар ишлаб чиқаришга ўтади;
– Google дунёни роумингдан қутқаради;
– жаҳон бозорига илк реактив сафар халтаси чиқарилади...

Кўриб турибсиз, 2016 йилги кашфиётлар жуда қизиқарли ва ғаройиб бўладиганга ўхшаб турибди.

Интернет хабарлари асосида
«Adolat» мухбири **Нилуфар МИРЗАЕВА** тайёрлади.

**Фестиваль**

# "Ажойиб математика"
## болаларнинг фанга қизиқишини оширди

**Жорий йилнинг 6-8 январь кунлари Тошкент шаҳридаги Инха университетида математика фанига қизиқувчи ўқувчилар учун "Ажойиб математика" фестивали бўлиб ўтди.**

Фестивални ўтказишдан мақсад — турли хил танловлар, интеллектуал савол-жавоблар, қизиқарли ўйинлар, машқлар ва машғулотлар орқали болаларнинг математика фанига бўлган қизиқишини ошириш ҳамда умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида математика фанидан сабоқ берувчи ўқитувчиларнинг ўзаро тажриба алмашишига имконият яратишдир.

Тадбирда иштирок этиш учун Жанубий Кореядан 20 дан зиёд ўқитувчи, профессор ва педагоглар ҳам ташриф буюриб, улар математика фанини қизиқарли ва янги услубларда ўқитиш бўйича ўз тажрибалари билан ўртоқлашишди.

— Тадбирда иштирок этган йигит-қизларнинг юз-кўзидаги иштиёқ, қизиқишларини, фаолликларини кўриб уларга ҳавасим келди, — дейди Жанубий кореялик профессор Парк Женам. — Билимли, мустақил фикрга эга ва ҳар томонлама баркамол бу болаларни кузатар эканман, Ўзбекистоннинг келажаги буюк эканлигига яна бир бор амин бўлдим.



"Соғлом она ва бола йили" доирасида ташкил этилган фестивалда 9 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар учун "Дастурлаш соати" ҳам бўлиб ўтди. Унда болалар визуал дастурлаш тили — Scratch ёрдамида яратиладиган ўйинларни яратишга оид тушунчага эга бўлишди.

Фестивалда фаол иштирок этган ўқитувчи ва ўқувчиларга тадбир ташкилотчилари томонидан алгебра, геометрия ва мантиқдан машқлар тўплами ўрин олган китоблар ва бошқа эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, инглиз тилида тақдим этилган топшириқ ва масалаларни ечиш ва йиғилганларга унинг ечилиш усулларини тўғри тушунтиришни назарда тутувчи танловда энг яхши натижага эга бўлган ўқитувчилар Жанубий Кореянинг нуфузли университетларида магистратура ва докторантура йўналишларида ўқишни давом эттириш ва ўз малакаларини ошириш ҳуқуқини қўлга киритишди.

**Зарафшон ҚАЛАНДАРОВА,**
"Adolat" мухбири

# «Ўғлим билан фахрланаман!»

**Видеоконференция**

XIX асрнинг машҳур кашфиётчиси Томас Эдисон болалик чоғида онасига ўқитувчиси йўллаган номани келтириб беради. Она кўзида тўла ёш билан хатни ўғлига ўқиб беради: "Фарзандингиз — даҳо. Бизнинг мактабимизда унга зарур даражада билим бера оладиган кучли ўқитувчилар йўқ. Шу боис ўғлингизни ўзингиз ўқитганингиз маъқул".





Йиллар ўтиб, Эдисон буюк ихтирочи сифатида бутун дунёга маълуму машҳур бўлганида оиласидаги эски буюмлар орасида ҳалиги хатга кўзи тушиб қолади. Хатда "Фарзандингизнинг эси оғиб қолган. Уни бошқалар билан ўқитиш хавфли. Шу боис ўғлингизни ўзингиз ўқитганингиз маъқул", деган гапларни ўқиб, ўзини йиғидан тўхтата олмайди ва ўз кундалик дафтарига қуйидаги битикни ёзиб қолдиради: "Томас Алва Эдисон эси оғиб қолган бир болакай эди. Бироқ қаҳрамон Онаси туфайли ўз даврининг таниқли даҳоларидан бирига айланди".

Дарҳақиқат, Она ўз меҳру муҳаббати, жасорати билан фарзандларини, яқинларини бало-қазолардан, ёмонлик ва ёвузликлардан асрай оладиган, уларни ҳар қандай вазиятда қўллаб-қувватлайдиган улуғ зот. Она учун зурриётининг бахти ва камолоти ҳаммасидан муҳим.

Ватанга муҳаббат, дўст-ёрга садоқат, илм-фан, касб-корга меҳр бериш каби ҳис-туйғу, фазилатларнинг инсон онгида шаклланишида ҳам онанинг, ҳам отанинг ўрни беқиёс. Уларнинг фарзандга бўлган меҳри чегара ва сарҳад билмайди. Боласи қаерда бўлмасин, оила, жамият, Ватан тинчлиги, хавфсизлигини таъминлашдек бурчи ва масъулиятини адо этишидан, юртдаги осойишталик, барқарорликда фарзандининг ҳам ҳиссаси борлигидан ўзини бахтиёр сезади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги фаоллар залида бўлиб ўтган "Менинг ўғлим Ватан ҳимоячиси" мавзусидаги видеоконференцияда иштирок этган ота-оналар ҳам ана шундай бахтли инсонлардир. Уларнинг соғинч ҳисси уфуриб турган юзи, кўзи, сўзларидан ҳарбий хизматни ўтаётган ўғлидан нечоғлик ғурурланиши, фахрланишини уқиш қийин эмас.

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни арафасида ўтказилган ушбу видеомулоқот шаҳар ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси ҳамда шаҳар мудофаа бошқармаси томонидан ташкиллаштирилган бўлиб, унда Андижон вилоятидан келиб Тошкент шаҳридаги ҳарбий қисмларда йигитлик бурчини ўтаётган аскар йигитлар ота-оналари билан телекўприк орқали суҳбатлашиш имкониятига эга бўлдилар, худди шундай имконият Андижон вилоятидаги ҳарбий қисмларда муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган тошкентлик йигитлар ва уларнинг ота-оналарига ҳам берилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар аскарлар ва уларнинг ота-оналарини яқинлашиб келаётган 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни билан табриклар экан, ён-атрофимизда мураккаб ва таҳликали вазиятлар давом этаётган бир пайтда Юртбошимиз раҳнамолигида миллий армиямиз Ватанимиз мустақиллиги, суверенитети, унинг ҳудудий яхлитлиги, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётининг ишончли кафолати бўлиб келаётгани, оилалар, маҳаллаларда ёшларни тарбиялашда азалий миллий фазилат ва анъаналаримизга таянилиши туфайли йигитларимиз учун ҳарбий хизматда бўлиш шарафга айлангани эътироф этилиб, уларнинг ота-оналарига ҳам фарзандларини мард ва жасур, баркамол этиб тарбиялашгани учун миннатдорлик билдирдилар.

— Менинг ўғлим Азизбек Холиқов Андижон вилоятидаги ҳарбий қисмда йигитлик бурчини адо этаяпти, — дейди биз билан суҳбатда Мамлакат Холиқова. — Ўғлим ҳар томонлама баркамол, соғлом бўлиб вояга етганидан, бугунги кунда Ватанимизни хавф-хатарлардан ҳимоя қилишга ўз ҳиссасини қўшаётганидан, элимизнинг корига яраётганидан фахрланаман. Бугун юртимизда фарзандларимизга ҳеч кимдан кам бўлмай униб-ўсиши учун яратилаётган эътибор, шароитларни кўриб, ҳавасим келади. Илоҳим, давлатимиз келажаги бўлган ёшларимиз халқимиз, Президентимиз билдирган ишончни оқлаш бахтига мушарраф бўлсин. Осмонимиз доимо мусаффо, юртимиз тинч бўлаверсин.

— Ўзим Андижоннинг Балиқчи туманиданман. Бугунги кунда Тошкент шаҳридаги ҳарбий қисмда хизмат қилаяпман, — дейди Омадилла Ҳусанбоев. — Бугун телекўприк орқали онажоним ва дадажоним билан суҳбатлашдик, уларнинг соғ-омон эканликларини, менинг армиядаги муваффақиятларимдан ғурурланишганини кўриб, қаттиқ ҳаяжонландим. Байрам олдидан бу телекўприк биз учун катта совға бўлди.

Шундан сўнг фарзандлари ҳарбий хизматни аъло даражада ўтаётган бир гуруҳ аскарлар ва ота-оналарга Андижон вилояти ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликларининг эсдалик совғалари тақдим этилди.

Кўтаринки руҳда ўтган тадбир якунида аскарлар ва уларнинг ота-оналари учун таниқли санъаткорлар ижросида шўх куй-қўшиқлар янгради, чиройли рақслар ижро этилди.

**Саодат СОДИҚОВА,**
«Adolat» мухбири

**Партиядошимиз ибрати**

Доно халқимизнинг устоз отангдек улуғ, дейиши бежиз эмас. Зеро, устоз ҳаёт йўлингизни кўрсатувчи, баркамолликка етакловчи сиймодир. Шу боис, устозлар ҳақида эъзоз ва ҳурмат билан яхши сўзлар айтамиз. Уларни яхшиликка бошловчи комил инсон деб биламиз.

## Бир хонадонда
### тўққиз сафдошимиз

Тажрибали кекса педагог, ёшлар тарбиясининг билимдони Эшқобил Абдураҳмонов ана шундай зиёли инсонлардан биридир.

Эшқобил отанинг таржимаи ҳоли ҳам оддий. У Самарқанд давлат университетини тугатганидан бери Қарши давлат университетида ёш авлодга илм-фан сирларини ўргатди. Мана шунга ҳам 45 йилдан ортиқроқ вақт ўтди. Ҳозир у тарих фанлари номзоди, доцент.

Устоз ўтган давр мобайнида ёш мутахассислар, ҳали иш тажрибасига эга бўлмаган ўқитувчиларга касб маҳоратини қунт билан ўргатди. Уларнинг дарсларини кузатди, тажрибали мураббийларга бириктирди ва шахсий маҳорати билан амалий ёрдам кўрсатди. Шу сабабли айни пайтда университетда ишлаётган Инобат Ражабова, Гулзода Узоқова, Нурбек Очилов ва бошқа ўнлаб шогирдлари устоздан беҳад миннатдор.

Эшқобил ота "Адолат" СДП ғояларининг моҳир тарғиботчиси ҳамдир. Унинг партиямиз сафига кирганига ҳали кўп вақт ўтмаган бўлса-да, ибратли ишларни қилишга улгурди.

Унинг фарзандлари Раъно Қарши давлат университетида, Феруза, Юлдуз мактабда, Сурайё Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтида ўқитувчи, Тўлқин баликчилик фирмаси раҳбари, Жавлон ички ишлар ходими, Шаҳло журналист, Шоира уй бекаси. Эътиборлиси шундаки, айни пайтда унинг фарзандлари ва умр йўлдоши Ойтош ая Хўжанова "Адолат" партиясига аъзо бўлишди.

Эшқобил ота тарихчи, ҳуқуқшунос эканлиги боис ҳам фуқароларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериб туради, уларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга интилиб, кўпчиликнинг ҳурматини қозонган. Унинг ҳамкасблари бўлмиш педагоглар орасида партиямизнинг мақсад ва вазифаларини тарғиб қилаётгани ҳам эътиборга молик. Ҳозирда у партиямиз ғояларига хайрихоҳ ҳамкасблари билан Қарши шаҳридаги "Чўлқувар", "Кунчиқар", "Табассум", "Истиқлол", "Шодлик", "Маҳаллот" ва бошқа кўпгина маҳаллаларда тарғибот ишларида фаоллик кўрсатмоқда. Унинг ташаббусини маҳалладош сафдошларимиз қўллаб-қувватлаб, ҳозирда ўзи истиқомат қилаётган "Беклар" маҳалласида БПТ ташкил этилган.

— Ёшим 78 да, — дейди Эшқобил ота, — Шаҳримизда жуда катта қурилиш, мисли кўрилмаган ободончилик ишлари амалга оширилаяпти. Бундан кўз қувнайди. Бироқ, шаҳримизнинг марказий кўчаларидаги бино, иншоотларнинг пештоқидаги ёзувлар, номланишлардаги ғализликларни кўриб баъзида хафа бўламан. Маслакдошлар билан ҳамжиҳатликда, мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида бундай камчиликлар бартараф этилмоқда.

Шунингдек, партиямизнинг вазифаларидан келиб чиқиб, ёшларни иш билан таъминлаш, уларнинг замонавий билим ва малакаларини оширишларига кўмаклашиш сингари масалаларда ҳозиржавобликни кучайтираяпмиз.

Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ва фойдали ўтказиши учун барча маҳаллаларда спорт майдончалари, ўйингоҳлар ташкил этиш лозим, деб биламан.

Эшқобил ота Абдураҳмонов маҳалла фуқаролар йиғинининг фаолларидан. Зиёли партиядошимиз ҳамон одамларнинг хизматида, ёшларнинг иззатида. Партиянинг шаҳар кенгаши фаоллари билан ҳамжиҳатликда иш юритиб, фуқароларни ўйлантириб келаётган муаммоларга ечим топишда ибрат кўрсатаяпти. Шу туфайли маҳалладошлари Эшқобил отадан ҳамиша мамнун.

**Комил САХАТОВ,**
"Adolat" мухбири

Reklama o'rnida

MIKROKREDITBANK

# Бутун оила учун
## даромад манбаи

**Молия муассасаларида**

Ҳар қандай тадбиркор учун янги корхона очишда бошланғич сармоя, шунингдек, бизнесни ривожлантириш учун қўшимча молиявий манба муҳим ҳисобланади. Бугунги кунда ушбу масала тижорат банклари билан тадбиркорларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги орқали муваффақиятли ҳал этилмоқда.



Бизда ҳам оила аъзоларимиз билан биргаликда маҳалламиз ҳудудида кичик ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этиш фикри туғилди. Яъни, мебель, дераза, эшик-ромлар ва бошқа ёғоч маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни режалаштирдик. Бугунги кунда бозорда мебель ва қурилиш маҳсулотларига бўлган талаб юқори бўлгани сабабли ушбу фаолиятдан барқарор даромад олишни мақсад қилдик.

Қолаверса, қариндошларимиз орасида ушбу соҳада уста ҳунарманд ва мутахассислар бор. Лекин бундай ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш каттагина меҳнат ва сармоя талаб қиларди. Ахир цехни қуриш ва уни жиҳозлаш учун қиммат замонавий ускуналар ҳамда хомашё сотиб олиш зарур эди-да.



Шу мақсадда банкдан кредит олишга қарор қилдик. Биз турли банкларнинг ушбу йўналишдаги шарт ва таклифларини ўрганиб, «Микрокредитбанк»нинг кредитлаш имкониятларига эътибор қаратдик. Мазкур молия муассасаси фаолияти кўпроқ айнан янги иш бошлаётган тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга қаратилганига амин бўлдик. Хусусан, ушбу банк кредит олиш учун фоиз ставкаси юқори бўлмаган имтиёзли кредитларни таклиф этади.

Ўтган йили банкнинг вилоят филиалига тақдим этган бизнес режамизга асосан оилавий корхонамизга 45 миллион сўмлик маблағ ажратилди. Мазкур кредитнинг йиллик фоиз ставкаси бор-йўғи беш фоизни ташкил этади. Ушбу маблағ ёрдамида биз хориждан ёғочга ишлов берувчи замонавий ускуналар харид қилдик.

Янги технологиялар бизга катта ҳажмларда юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини яратди. Буларнинг барчаси мижозларимиз талабларига тўла жавоб беради. Шундай қилиб, уларнинг сони доимий равишда ўсиб бормоқда.

Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, фаолиятнинг янги турларини ривожлантириш ҳақида ўйлашга ундамоқда. Биз учун муҳим жиҳатлардан яна бири шундаки, фаолиятимиз оилавий тадбиркорликка асосланган бўлиб, бу катта оиламизнинг барча аъзоларига барқарор даромад келтирмоқда. Бир сўз билан айтганда, бугун тадбиркорлик фаолиятимизни янада кенгайтириш учун барча зарур имкониятлар мавжуд.

Бу ҳақда гапирганда тадбиркорлик фаолиятимизни бошлашда ўзининг имтиёзли сармоялари билан қўллаб-қувватлагани учун ишончли ҳамкоримиз «Микрокредитбанк»дан миннатдормиз.

Ишонамизки, ушбу ҳамкорлик келажакда яна давом этади ва ўз самарасини беради.

**Баҳриддин ПАРДАЕВ,**
«Сурхон амалий санъат» оилавий корхонаси раҳбари,
*Сариосиё тумани*

Хизматлар лицензияланган

## Инсон ўзинг...

Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлагай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса обод айлагай.

Алишер НАВОИЙ

Ердаги жамики гўзал нарсалар — офтобдан ва барча яхши нарсалар — инсондан.

М.ПРИШВИН

Киши бекордан-бекор қуруқ гавдани кўтариб юриш учун эмас, балки улуғ ва кўламли вазифалар устида ишлаш учун дунёга келади.

Л.АЛБЕРТИ

Инсон — бутун бир олам, фақат ундаги асосий туйғу олижаноблик бўлса бас.

Ф.ДОСТОЕВСКИЙ

Инсон қанчалар ажойиб, агар у чинакам инсон бўлса.

МЕНАНДР

Инсон бўлиш — бу санъатдир.

НОВАЛИС

Ватанини севувчи ҳар бир фуқаро ўз юрагида сохтагарчилик эмас — чинакам севги деган шиорни олиб юрмоғи керак. Ҳам илмий жиҳатдан, ҳам ахлоқий жиҳатдан ҳақиқатга хизмат қилмоқ даркор. Инсон бўлмоқ даркор.

Н. ПИРОГОВ

**МУАССИС:**
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати:
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖЎРАЕВ
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Рашид МАТКУРБАНОВ
Талъат МУРОДОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Алишер ШОДМОНОВ

Бўлимлар:
Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — *288-46-54* (149); Котибият — *288-42-14* (144);
Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — *288-42-12* (146);
Қабулхона — *288-42-23*; *288-42-12* (141) факс;
Реклама бўлими — *233-41-89.*
**Навбатчи муҳаррир** — Дилором Маткаримова
**Навбатчи** — Феруз Жўраев

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
**Таҳририят манзили:** *100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.*
info@adolatgzt.uz

*Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.*

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган.
Буюртма Г — 100. Адади — 11430
Босишга топшириш вақти — 20.45
Босишга топширилди — 21.30
*Баҳоси келишилган нархда*

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100
ISSN 2091-5217
1 2 3 4 5 6